Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ШАҲАР РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№№ 21–22 (7. 410–7. 411) 1991 йил 31 январь, пайшанба

Нархи 12 тийин.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИТЕТИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодий бузғунчилик, ўғирликлар, пораҳўрликка, фуқароларнинг ҳаётига, саломатлигига, ор-номусига, қадр-қимматига, мол-мулкига тажовуз қилишларга ва бошқа жиноятларга қарши курашни қатъиян кучайтириш зарурлиги тўғрисидаги СССР халқ депутатлари тўртинчи съезди қарорларига амал қилиб, СССР Олий Кенгашининг «Мамлакатдаги аҳвол тўғрисида»ги 1990 йил 23 ноябрь қарорининг 4-бандига мувофиқ **қарор қиламан:**

1. СССР Президенти ҳузурида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш комитети тузилсин.

2. Ўртоқ Юрий Владимирович Голик СССР Президенти ҳузуридаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш комитетининг раиси этиб тайинлансин.

3. Ўртоқ Ю. В. Голикка комитетнинг таркиби, унинг вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва фаолият тартиби тўғрисидаги таклифларни тақдим этиш вазифаси топширилсин.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль
1991 йил 29 январь.

ТОШКЕНТ ЖАМОАТЧИЛИГИ ЙИҒИЛИШИ

29 январда Тошкент шаҳар партия қўмитасида шаҳар жамоатчилигининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Йиғилиш қатнашчилари милицияга жамоатчилик — корхона ва ташкилотлар жамоалари маҳалла ва квартал қўмиталари томонидан жамоат тартибини сақлашда, қонунбузарликларнинг олдини олишда, жиноятчиликка қарши курашда ёрдам кўрсатиш масалаларига асосий эътиборни қаратдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Вице-Президенти Ш. Р. Мирсаидов нутқ сўзлади.

«Шарқ гули» бадиий буюмлар бирлашмасининг илғор ишчиси Ф. Ҳасанова зиммасидаги вазифани аъло даражада бажариб, ҳамкасблари олқишига сазовор бўлмоқда.

СУРАТДА: Ф. Ҳасанова.

Т. Каримов сурати.

Бозор иқтисодиёти бўсағасида

ИШЧИЛАР КАЙФИЯТИГА БОҒЛИҚ

Ўрта Осиё электр аппаратлари илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси шаҳримизда энг катта корхоналардан ҳисобланади. Бирлашмада 10 мингга яқин ишчи ва хизматчи меҳнат қилади. Ҳозирги даврда корхона тўла-хўжалик ҳисоби шароитида иш юритмоқда. Айни пайтда у бозор иқтисодиёти бўсағасида турибди. Маҳсулот етказиб бериш, шартнома мажбуриятларини вақтида бажариш эса янги шароитда иқтисодий ютуқларнинг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилиши керак. Шундай экан, хўш, бирлашма ўтган йили шартнома мажбуриятларини қандай бажарди? Корхонада бу йилги шартнома тузиш қандай бормоқда? Мухбиримиз шу каби саволлар билан бирлашма бош директори ССЖИ ёш директорлар уюшмасининг аъзоси Абдуманнон Абдураимович Алимбоевга мурожаат қилди.

— Ўтган йили бирлашмамиз ишчи ва хизматчилари ўз олдиларига қўйилган режаларини асосий кўрсаткичлар бўйича ошириб бажарди. Пландан ташқари 2,5 миллион сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Энг муҳими, халқ истеъмол буюмлари 900 минг сўмликка ошириб бажарилди.

Лекин шартнома мажбуриятларим и з г а назар ташлайдиган бўлсак, ўтган йили бу борада арзигулик натижаларга эриша олганимиз йўқ. Бирлашмада шартнома мажбурияти 95,4 фоизга бажарилди, холос. Бу ҳол ҳозирги даврда мамлакатимизнинг кўп корхоналарига хос бўлиб қолди. Чунки, бугунги кунда корхоналар ўз мустақиллигини рўкач қилиб ҳар қандай шартномаларни ҳам бузиб юборишаяпти. Ўзингиз кўриб турганингиздек ҳозир ҳам мен бошқа ишлар билан шуғулланиш ўрнига бирлашмани қандай қилиб хом ашё билан таъминлаш тўғрисида югуриб юрибман. Мен бу билан бошқа шунга масъул бўлган хизматчилар ишламаяпти демоқчи эмасман. Аксинча, улар ҳам ҳаракат қилишаяпти. Аммо бу борадаги кўп ҳаракатларимиз зое кетмоқда.

Корхон а м и з н и н г шартнома мажбуриятларини бажара олмаётганлигининг сабаби ҳам шундан. Яъни, биз билан шартнома тузган мамлакатимизнинг турли жойларидаги корхоналарнинг ўз буюртмаларини сидқидилдан бажармаётганлигидадир. Масалан, Могилевск, Ленинград, Курск ва бошқа шаҳарлардаги заводлар ўтган йили хом ашёни белгиланганидан кам етказиб беришди.

Шунингдек, Сибирь ўрмон хўжалигидан ёғоч материаллари, «Узбумкомбинат»дан картон белгиланганидан 30 фоиз кам берилди. Бизнинг бу хом ашёларни олиш учун қилган ҳамма ҳаракатларимиз зое кетди. Натижада ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларимиз мижозларга вақтида етиб бормади. Чунки, буюм жойланадиган идиш ва картон қоғозларсиз маҳсулотларимизни жўната олмаймиз.

— **Бирлашмада шартнома мажбуриятларинги бажарилмай қолганлигига фақат юқорида келтирилган мисоллар сабабми? Ёки, бунинг бошқа сабаблари ҳам борми?**

— Албатта бор. Масалага икки ёқлама қарайдиган бўлсак, корхонада шартнома мажбуриятлари бажарилмай қолганлигининг яна бир неча сабаблари бор. Биринчиси шундан иборатки, мамлакатимиздаги бир неча кимёвий заводлар экологик талабларга жавоб бермаганлиги туфайли ҳозирдан ёпиб қўйилди. Биз эса худди шу корхоналардан пластмасса буюмларини олиб турардик. Бирлашмада тайёрланадиган кўп маҳсулотларга пластмасса ишлатилади. Халқ истеъмол буюмлари ҳам шулар жумласидандир. Демак, бизга хом ашё етказиб берадиган корхоналарнинг ҳам ўзига хос муаммолари бор.

— **Абдуманнон Абдураимович, бу йилда бирлашманинг бошқа корхоналар билан шартнома тузиши қай тарзда бормоқда?**

— Бу йил ўтган йилдан ҳам ёмон. Шу кунгача корхонани хом ашё билан таъминлаш шартномаси 44,4 фоизгагина бажарилди, холос. Шартноманинг йўқлиги туфайли корхонани темир маҳсулотлари билан таъминлаш ҳанузгача ҳал қилингани йўқ. Яъни Қарағанда, Магнитагорск, Череповецк металлургия комбинатларидан бу йил металл ололганнимиз йўқ. Бунга асосий сабаб вазирлик томонидан ҳозиргача шу харажатларнинг миқдори белгиланмаганлигидадир.

Дастгоҳ ва ускуналарнинг тўлалигини таъминлаш учун тузилган шартномалар эса 83,4 фоизга адо этилди. Айни пайтда шу эҳтиёт қисмлар билан таъминловчи заводлар ўртасида шартнома тузиш ҳал қилинмоқда. Янги дастгоҳлар учун эҳтиёт қисмлар бундан мустасно.

Бирлашма таъминлаб турадиган корхона ва ташкилотлар билан шартнома тузиш ҳозиргача 93,9 фоиз бажарилди. Қолган шартномалар тузилиш арафасида.

— **Бир сўз билан айтганда, шартнома мажбуриятларини бажариш ва уни тузиш билан боғлиқ бўлган муаммолар корхонада йиғилиб қолган. Бу, албатта шаҳримиз, қолаверса бутун мамлакатимиз корхоналарига хос бўлиб қолган муаммолардир. Хўш, эндиликда бу камчиликларни бирлашма қандай қилиб енгмоқчи?**

— Тушкунликка тушишга асос йўқ. Энг муҳими ҳам шу. Мен юқорида бекорга бирлашмада эришилган муваффақиятлар ҳақида гапирганим йўқ. Корхонанинг бу ютуқларга эришишида ишчи ва хизматчиларимизнинг ҳиссаси жуда катта. Ҳозирги бозор танқислиги даврида шу ишларни қилишнинг ўзи жасорат.

Бундан ташқари бирлашмада эски дастгоҳларни янгилашда ҳам кўп ишлар қилинмоқда. Шу мақсадда яқинда чет элдан бир нечта янги дастгоҳлар олиб келиб ўрнатдик. Швециядан нарсалардан нусха олиш учун уларнинг юзига металл қоплаш усули билан клише ясайдиган линия сотиб олдик. Бу линияни шу йилнинг август, сентябрь ойларида ўрнатмоқчимиз. Буларнинг натижасида корхонада сифат ва самарадорлик анча ўсади.

Хуллас, бу ва шунга ўхшаган ишларимизнинг ҳаммаси ишчи ва хизматчиларимизнинг кайфиятини кўтариш учун қилиняпти. Чунки ишчиларнинг руҳи баланд бўлсагина, юксак сифат ва самарадорликка эришилишини яхши тушунамиз.

Суҳбатдош Ғ. ЕСЕНОВ.

Рўзноманинг шу сонига

ЯНГИ МАҚОМ— ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Устави қабул қилиниши билан Тошкент шаҳар партия ташкилоти янги мақомга эга бўлди. Шаҳар партия қўмитасига вилоят партия қўмитаси ҳуқуқи берилди. У эндиликда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасига бевосита чиқиш ҳуқуқига эга бўлди.

«Тошкент оқшоми» таҳририяти шу муносабат билан Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар қўмитасининг иккинчи котиби Ю. А. АСЕПКОВга бу янги мақомга тааллуқли қатор саволлар билан мурожаат қилди.

●

— Юрий Асралович, Ўзбекистон пойтахти партия ташкилотининг мақомига ўзгартиш киритиш масаласи кўпдан бери турли даражаларда кўтариб келинганлиги маълум. Бу ҳақда батафсилроқ гапириб беролмайсизми?

— Ҳақиқатан ҳам шаҳар партия ташкилоти мақомини ўзгартириш масаласи кеча пайдо бўлгани йўқ. Қатор йиллар давомида шаҳар партия қўмитаси вилоят партия қўмитасига, жумҳурият Компартияси Марказий Қўмитасига бу ҳақдаги таклифлар билан чиқиб келган. Бироқ, партия таркиби ўта марказлаштирилганлиги ушбу масалани ижобий ҳал этиш имконини бермади.

1989 — 90 йиллардаги ҳисобот-сайловларда, ноҳиялар, XXVII шаҳар партия конференцияларида коммунистлар партия таркибларини соддалаштириш зарурлигини, ўта марказлаштиришга барҳам бериш масалаларини ошкора айтдилар. Улар шаҳар партия қўмитасига бевосита жумҳурият Компартияси Марказий Қўмитасига чиқиш ҳуқуқини бериш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Бу — тушунарли, Чунки, Тошкент шаҳар партия қўмиталари таркибий жиҳатдан шаҳар қўмитасига, у эса ўз навбатида вилоят партия қўмитасига бўйсунарди. Бунинг оқибатида ноҳия қўмиталари фаолиятига раҳбарлик ҳам шаҳар партия қўмитаси, ҳам бевосита вилоят партия қўмитаси томонидан амалга ошириларди. Кўп ҳолларда бу бирбирларининг ишларини такрорлашга, қабул қилинадиган турли қарорлар, маълумотлар сонини кўпайтиришга олиб келарди. Бу эса одамлар, бошланғич партия ташкилотлари билан жонли амалий иш олиб боришга салбий таъсир кўрсатарди. Иккинчи томондан, таркибий мураккаблик ноҳия партия қўмиталари ишини қийинлаштирарди, бир масалани кўп жойда келишишни талаб этарди. Бу эса юзага чиқаётган масалаларни тезкорлик билан ҳал қилишга тўсқинлик қиларди.

Айни пайтда биз Тошкент шаҳар Кенгаши иш тажрибасига эга эдик. У мана кўп йиллардан бери вилоят Кенгаши мақомига ва бевосита жумҳурият ҳукумати ва Олий Кенгашига чиқиш ҳуқуқига эгадир. Биз бу таркиб ўзини оқлаётганлигини ва ҳаётийлигини исбот қилаётганлигига ишонч ҳосил қилгандик.

Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозликнинг таркибига барҳам бериш, ҳокимият ваколатларини Кенгашлар ва улар ижроия органларига бериш шаҳар партия қўмитасидан янги иш шаклларини излашни, шаҳарни иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ривожлантириш муаммоларини самарали ҳал этиш учун ўзининг қонунчилик ташаббускорлик конституцион ҳуқуқидан иложи борича тўлароқ фойдаланишни талаб этди. Шаҳар партия қўмитаси айни вақтда ўзининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини фақат сиёсий усуллар, Кенгашларга сайланган коммунистларнинг ўзаро келишган ҳолдаги ҳатти-ҳаракатлари орқали амалга ошириши лозим эди. Кейинги йиллар тажрибаси шаҳар партия қўмитаси фаолиятини керагидан ортиқча равишда чеклаб қўйиш жумҳурият Марказий Қўмитаси ва ҳукуматининг шаҳарга тааллуқли кўпгина қарорларини бажаришга самарали таъсир кўрсатмаётганлигидан ҳам далолат берди.

Биз ўз таклифларимизни тайёрлар эканмиз, Москва, Ленинград, Киев ва қатор бошқа шаҳарлар партия қўмиталарининг бу масала хусусидаги тажрибасини диққат билан ўрганиб чиқдик.

Мен яна бир бор таъкидламоқчиманки, бизнинг мақомни ўзгартириш зарурлиги тўғрисидаги қароримиз ҳар тараффлама чуқур ўйланган, у Тошкент коммунистларининг қатъий фикрига таянган эди.

— **Шаҳар партия ташкилотига раҳбарликдаги кўп босқичлиқка барҳам бериш мақсадга мувофиқлиги тушунарлидир. Жумладан, ўша ноҳия партия қўмиталарига ҳам, шаҳар партия қўмитасига ҳам ишлаш бир мунча осон бўлади. Аммо бу ўз навбатида улар масъулиятини ҳам кучайтиради...**

— Ўзбекистон пойтахти партия ташкилотига вилоят мақомини, Ўзбекистон Коммунистик партиясининг олий ва марказий органларига бевосита чиқиш ҳуқуқини бериш шаҳардаги барча партия қўмиталари зиммасига қўшимча мажбуриятлар, ўзининг ҳар бир қадами учун янада юксак масъулият юклайди, фаолиятларида кўпроқ жанговарлик ва ҳужжмкорликни талаб этади.

Тошкент шаҳар партия қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган III пленуми шаҳар партия ташкилотининг Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастурини амалга ошириш юзасидан биринчи галдаги вазифаларини белгилаб олди. Бугунги кундаги энг асосий мақсад партия қўмиталари, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янги ҳуқуқ ва вазифаларга мувофиқ қайта қуриш, партия ташкилотлари, ҳар бир коммунист фаоллигини ошириш, уларни амалий пировард натижаларга эришишга сафарбар этишдан иборатдир.

Шу муносабат билан биз ҳар бир бошланғич партия ташкилоти ўз дастури, ҳаракат режасига эга бўлиш керак, деб ҳисоблаймиз. Масалан, Чилонзор ноҳиясида худди шундай қилиняпти. Демак, ноҳия партия ташкилотлари ўз дастурларини яна бир карра таҳлил қилиб чиқишлари лозим. Шаҳар партия қўмитасининг кўмиссиялари ҳам навбатдаги пленумгача бу ишларни ниҳоясига етказишлари зарур.

Биз бу йил шаҳар, ноҳия партия қўмиталари бюроларининг, сайлаб қўйилган органлар аъзоларининг Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди қарорларини бажариш борасидаги амалий ишлари юзасидан ҳисоботларини эшитишни режламоқдамиз. Шаҳар коммунистлари, меҳнаткашлари томонидан бизга билдирилган ишончни мавжуд аҳволни яхшилик томон ўзгартириш билан оқлашимиз зарур.

— **Мақомининг ўзгартирилиши бошланғич партия ташкилотларига нима беради?**

— Энг аввало шаҳар партия ташкилотига вилоят мақоми берилиши, бошланғич партия ташкилотларига ҳамма ҳаётий масалаларни, шу жумладан, вилоят партия қўмитаси ҳуқуқига киradиган молиявий, кадрлар, партия қўмиталарининг таркиби каби масалаларни тезроқ ҳал этиш имконини беради.

Иккинчидан, бу бошланғич партия ташкилотлари билан Ўзбекистон Компартияси марказий органлари ўртасидаги алоқани осонлаштиради. Бу, шунингдек, партиянинг сайлаб қўйиладиган органларини, умуман бюджетни, Коммунистик партиянинг жорий ва истиқболли сиёсатини шакллантиришда бевосита иштирок этиш имконидир.

— **Мақом ўзгариши билан шаҳар партия ташкилоти молиявий масалаларни ҳал этишда мустақилликка эга бўлади. Бунинг аҳамиятини таърифлаб беролмайсизми?**

— Жумҳурият партия ташкилоти барча бўғинларининг молиявий мустақиллик масаласи энг муҳим масаладир. КПСС Устави ишлаб чиқилаётган даврдаёқ шаҳардаги партия бошланғич ташкилотлари молиявий маблағларнинг шакллантирилиши ва сарф қилиниши, бу масалаларда бошланғич ташкилотлар мустақиллигини ошириш билан боғлиқ кўпгина қимматли таклифларни ўртага ташлаган эдилар. Бизнинг фикримизча, бу масалалар мажмуи фақатгина Ўзбекистон Компартияси Уставида ҳал қилинган. Унда бошланғич партия ташкилотлари молиявий фаолияти ҳам йирик, ҳам кичик партия ташкилотлари манфаатларига анчайин мақбул даражада ҳал қилинган. Бошланғич партия ташкилотларининг ноҳия миқёсида шакллантириладиган марказлаштирилган фонди кам сонли партия ташкилотлари фаолиятига мустаҳкам иқтисодий кафолат беради.

Шуни айтиш керакки, бу маблағлар салмоқлидир. КПСС XXVIII съездидан сўнг аъзолик бадаллари тўлашдаги янги тартиб жорий қилингач, шаҳар коммунистлари ойлик бадалларининг миқдори 450 минг сўмдан кўпроқни ташкил этяпти. Бизнинг ҳисоб-китобларга кўра бу маблағ шаҳар партия ташкилотини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун етарлидир. Шу билан бир қаторда биз партия қўмиталари тижорат фаолиятини ривожлантиришга ҳам умид қиляпмиз. Бу иш ҳозирнинг ўзида бошлаб юборилган. Шунингдек, молиявий-хўжалик фаолиятидан ҳам партия кассасига қўшимча маблағлар тушади. Ана шу шароитларда шаҳар партия қўмитасининг молиявий масалаларни ҳал этишдаги мустақиллиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, илгари шаҳар партия қўмитаси ҳатто ўз ҳисоб счётига ҳам эга эмас эди. Ҳолбуки, вилоят партия ташкилоти бюджетига шаҳардан бу бюджетнинг ярмидан кўпроқ миқдорида маблағ тушарди.

Айни пайтда партия бюджетини шакллантиришдаги ўзгаришлар, бошланғич партия ташкилотларига аъзолик бадалларидан тушган маблағлар бир қисмини сарфлаш ҳуқуқи берилганлиги бошланғич партия ташкилотлари котиблари, партия фаолларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш имконини беради. Умуман олганда биз партиямиз асоси ҳисобланган бошланғич партия ташкилотларининг нуфузини мустаҳкамлашга, шу жумладан молиявий маблағлар билан ҳам мустаҳкамлашга иложи борича кўпроқ кўмаклашиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

— **Партия аппарати таркибида қандайдир ўзгаришлар қилиняптими?**

— Шаҳар партия қўмитаси аппарат таркибини ўзгартириш, уни шу кун талабига мос келтириш бўйича ишларни ўтган йилнинг мартида бошлаган эди. Барча ташкилий масалалар XXVII шаҳар партия конференцияси томонидан маъқулланган таркибий ўзгаришлар ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилмоқда.

Ўтган йили озод қилинган партия ходимлари сони ўртача 40 фоизга қисқартирилди. Партия қўмиталари комиссиялари тўғрисидаги низомлар қайта кўриб чиқилди, улар фаолиятининг асосий йўналишлари аниқлаб олинди. Бугунги кунда ноҳия партия қўмиталари, бошланғич ташкилотлар Ўзбекистон Компартияси XXII съезди қарорлари, жумҳурият Компартияси Устави асосида ўз режа ва ҳаракат дастурларига ўзгартишлар киритмоқдалар. Шундан келиб чиққан ҳолда у ёки бу сайлаб қўйилган партия органига хизмат қиладиган аппарат ишига ҳам ўзгартиришлар киритилаяпти. Ҳозир бу аппаратлар асосан ахборот таҳлилий, прогнозсоциологик ва маслаҳат вазифаларини бажаришга даъват қилинган. Партия қўмиталари ўз имкониятларига қараб ўз аппаратлари штатлари ва таркибларини ўзлари белгилайдилар.

— **Эндиликда шаҳар ва вилоят партия ташкилотларининг ўзаро муносабатлари қандай бўлади? Ахир улар бирликда ҳал қилиши керак бўлган масалалар ҳам бор-ку!**

— Шаҳар партия қўмитасида жумҳурият ва мамлакат кўпгина вилоят партия ташкилотлари билан ўзаро ахборот алмашиш, фаолиятларини мувофиқлаштиришнинг самарали таркиби таркиб топган.

Биз шаҳар партия қўмитаси мақоми ўзгариши билан, йиллар давомида шаҳар ва қишлоқ бошланғич партия ташкилотлари, ходимлари ўртасида қарор топган қалин ўртоқларча алоқаларни асло бузиш ниятида эмасмиз. Аксинча биз бу алоқалар кенгайиши, ривожланиши, ўзаро бир-бирини бойитиши учун бутун куч-ғайратимизни сарфлаймиз.

Шу билан бир қаторда вазифалар ва манфаатлар муштараклигини ҳисобга олган ҳолда шаҳар партия қўмитаси бундан буён ҳам вилоят партия қўмитаси билан партиявий қўшинг аниқ йўналишлари бўйича ўзаро ҳамкорликни давом эттираверади. Шаҳар партия қўмитаси ўз фаолиятини ўртоқларча, тенг ҳуқуқлик асосида мувофиқлаштириб боради.

Бу ҳисобга олинган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида шаҳар ва вилоятнинг халқ хўжалик мажмуи ўзаро манфаатли шартнома асосида, корхона ва ташкилотлар хўжалик мустақиллигини ошириш йўллари билан ривожланиб бораверади.

Пировардида пойтахт партия ташкилотига вилоят мақомининг ва Ўзбекистон Компартияси олий ва марказий органларига бевосита чиқиш ҳуқуқининг берилиши давр тақозосидир. У КПСС XXVIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXII съезддида ишлаб чиқилган принципиал ёндошувларга, ички партиявий муносабатлар бутун таркибини демократлаштириш, партиявий ўртоқлик, ҳар бир коммунистнинг партиянинг ғояларини ва фаолияти учун ишонч ва масъулиятдан иборат ленинча ғояларга қайтиш принципларига мос тушади.

ТО Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

СССР маданият вазирининг биринчи ўринбосари Ю. У. Фохт-Бабушкин ва Ўзбекистон Тошкентда ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатни имзоладилар. Бу ҳужжатда маданият ва санъат соҳасидаги биргаликдаги истиқбол режалари ўз аксини топган.

МАМЛАКАТИМИЗДА

Бугун ўз ишини бошлайдиган КПСС Марказий Қўмитаси ва Марказий Назорат Комиссиясининг қўшма пленумида мамлакатдаги аҳвол, шунингдек КПССнинг янги ҳужжатларини муҳокама қилиш кўзда тутиляпти.

СССР Вазирлар Маҳкамаси дастлабки маълумотларига қараганда 25 январгача бўлган муддатда мамлакатда муомалада бўлган 50 ва 100 сўмлик пул белгиларидан саккиз миллиард сўмни алмашиш учун топширилмаган.

ХОРИЖДА

Ассошиэйтед Пресс агентлигининг маълум қилишича, 30 январдан 31 январга ўтар кечаси Ироқ қўшинлари бўлинмалари Қувайт-Саудия Арабистони чегарасидан ўтган. Ироқ аскарлари танклар ва артиллерия мададида Саудия Арабистони ҳудудида жанг билан разведка ўтказган.

Бугунги кун нафаси ТО

НАРХ-НАВО ИСЛОҲОТИ: МИШ-МИШЛАР ВА ҲАҚИҚАТ

Сўнгги кунларда оммавий ахборот воситаларида 1 февралдан бошлаб, озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик зарур буюмлар нархининг анча оширилиши эслатилди. Бунга «ишонарли тафсилотлари билан» миш-мишлар қўшилмоқда. ТАСС мухбири вазиятни аниқ тушунтириб беришни илтимос қилиб, СССР Давлат нарх комитети раисининг биринчи ўринбосари А. Коминга мурожаат қилди.

— Бизнинг фикримизча, нарх-навони ислоҳ қилиш зарур,— деди Анатолий Николаевич.— Нархни ислоҳ қилишдан воз кечиш қайта қуриш даврида бир вақтлар йўл қўйилган энг катта хато бўлди. Натижада биз ҳали ҳам эскирган, самарасиз нарх системасига амал қилаяпмиз. Миш-мишларга келганда эса ҳозирги пайтда бундай гапларнинг кўпайиши ижтимоий кескинликка интилиб, аҳолини бозор билан мунтазам чўчитаётган кишиларга фойдалидир.

Нархни ислоҳ қилишнинг аниқ муддатлари ҳали маълум эмас, бу масала федерация кенгашида муҳокама қилиниши лозим.

«ИСЛОМ ПАРТИЯСИ»НИ ТУЗИШ КИМГА ВА НИМА УЧУН КЕРАК БЎЛИБ ҚОЛДИ?

● Қайта қуриш мамлакатимизга мусаффо тонг шабадасини олиб келди. Унинг ҳавоси етмиш йилдан кўпроқ вақтдан бери қурум босган кўнгилларни очиб юборди. Одамлар биринчи марта эркин нафас ола бошладилар. Ҳаётимизга чинакам ошкоралик, демократия, эркинлик кириб келди.

Маъмурий буйруқбозлик занжирлари парчаланиб кетди. Унинг ўрнига халқнинг орзу-ниятлари ушаладиган ҳақиқатни бор овоз билан баралла айтадиган, оқни оқ, қорани қора дейдиган, яъни ҳамма нарсани ўз номи билан атайдиган яхши замон келди. Минг қатла шукурки, эндиликда қайта қуриш меваларини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз: бундан йигирма-ўттиз йил эмас, қайта қуришдан олдинги тўрт-беш йилда ҳам ҳақиқатни бундай ошкора айтиш у ёқда турсин, ҳатто ўйлашга ҳам юрак бетламас эди. Таъқиблардан чўчиш эса одатдаги бир ҳолга айланганди.

Лоақал виждон эркинлигини олиб кўрайлик. Келинкуёвларга никоҳ ўқитиш, кўпчилик олдида, яъни тўймаърака ва маросимларда юзга фотиҳа тортиш, масжидга бориб намоз ўқишга ҳадиксираш ҳам ҳолва экан. Негаки, яқин кишиси, ҳатто қариндош-уруғ, ака-ука қазо қилганида жанозада қатнашгани учун партия сафидан ўчирилган кишиларни кўрмадикми? Энди-чи? Шукр, ундай замонлар сира ҳам қайтмас бўлиб ўтиб кетди. Халқимиз қайта қуриш шарофати билан ўзига берилган эркинликларнинг шоҳиди бўляптими? «Ойнаи жаҳон»да ийд-рамазон ҳайити кўрсатилганида ва у яна такрорий намойиш қилинганида халқимиз кўнгли тоғдай кўтарилди. Масжид қуриш у ёқда турсин, борлари ҳам бузиб ташланган даврларни бир эслайлик. Энди-чи. Республикамизда икки юздан ортиқ янги масжид қурилди, кўплари қайта таъмирланди. Бугина эмас, беш юз нафар фуқаронинг ҳажга бориб келгани, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Дания бошқармасининг ярим ойлик диний-ижтимоий «Ислом нури» жаридаси нашр этила бошлангани, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» СССР Қонуни қабул қилинганлиги, «Қуръон» таржимаси тарихда биринчи бор «Шарқ юлдузи» журналида ўзбек тилида чоп этилаётганлиги, «Қуръон» оятлари ёзилган пластинка чиққанлиги, Муҳаммад пайғамбар ҳадисларининг ахлоқ-одобга оид намуналари нашр қилингани, диний жамоаларнинг телевидение ва радиода эркин чиқишлари, дуою тиловатлари, ҳатто, уларнинг СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари, маҳаллий Советларнинг депутатлари этиб сайлангани ва бошқа шу каби мисоллар қайта қуриш самаралари эмасми? Динга қарши ҳуруж бўлган пайтлар билан ҳозирги давр ер билан осмонча фарқ қилади!

Ўзбекистон ССР Президентининг меҳр-мурувват, етим-есирларга эътибор кўрсатиши, кам даромадли кишилар тоифасини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва ногиронлари, байналмилал жангчиларга, кўп болали оналарга моддий ёрдам, врач ва ўқитувчиларнинг маоши ошиши, бошлангич синф ўқувчилари учун бепул нонушта бериш, аҳолига томорқа ерлари ажратиш, чорва моллари ва улар учун ем-хашак сотиш тўғрисидаги қатор фармонлари халқимиз фаровонлигини оширишга қаратилган муҳим қадамлар бўлди.

Биз бугунги кунда амалга оширилаётган ва халқимиз миннатлар бўлиб, дилдан севинч билан кутиб олган хайрли ишларнинг ҳаммасини ҳам санаб ўтмоқчи эмасмиз. Булар республикамиздаги ҳар бир фуқарога аён. Халқимизни хурсанд қилаётган шундай яхши тадбирлар амалга оширилаётган бир пайтда кўпчиликни ташвишга солаётган жиддий бир ҳолат ҳақида ошкора ва холисона сўз юритмоқчимиз.

Маълумки, мамлакатимиз, шу жумладан, республикамиз ҳозир оғир даврни бошдан кечирмоқда. Бугунги кунда йиллар давомида йиғилиб қолган ижтимоий-иқтисодий, миллий, диний муаммолар жумҳуриятимизда ўз ечимини босқичма-босқич топмоқда. Шаронт биздан мавжуд қийинчиликларни бартараф қилиш учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ақлзаковатли, сабр-тоқатли бўлишни тақозо этмоқда. Бу халқимиз учун биринчи синов эмас, у бундай қийинчиликларни жуда кўп бор енгган, бу сафар ҳам шундай бўлишига ҳеч кимда шаксшубҳа йўқ. Чунки, ниятимиз — бир-биримиз билан аҳил бўлиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаш, халқимизнинг ҳаётини бадастур қилиш.

Бугунги ва эртанги кунга ишонч руҳида гапираётганимиз боиси шундаки, халқимизда ўзаро бирлик, жамоатчилик ҳиссиёти кучли, бу эса ҳеч қачон, ҳеч кимни доғда қолдирмаган. Зеро, бир заминда яшаб, тақдиримизни маҳкам боғлаган эканмиз, бугунги кунимиз ва келажагимиз ҳақида ҳам қайғуришимиз зарур.

Ҳаммамизга маълумки, ҳар қандай эзгу ишнинг ибтидосида, албатта, фотиҳага қўл очиб, юртимиз ва халқимиз тинч бўлсин, дейміз. Бу гапнинг тагида жуда катта маъно борлигини ва у миллий ахлоқ белгиси эканлигини унутмаслигимиз керак.

Умуман, миллатимизга, диёнатимизга хос бўлган инсоний фазилатлар ҳамиша ҳаётимизни безаб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига шак-шубҳа йўқ. Чунки, бунинг бунёдкори ҳам, эъзозлаб сақловчиси ҳам халқимиздир. Лекин мамлакатимиз бошидаги таҳликали кунларда эл учун зарур бўлган, унинг дардига малҳам бўладиган ўз хизматимизни ҳаммамиз ҳам тўғри ва виждонан бажаряпмизми? Сўз ва иш бирлигига амал қиляпмизми?

Мамлакатда иқтисодий қийинчиликлар ва турли хил тангликлар юз бериб турган кейинги йилларда республикамиз раҳбарияти амалга ошираётган хайрли ишларнинг рўёбга чиқарилиши жумҳуриятдаги барча қийинчиликларни ҳам бирданига ҳал қилиш имконини бермайди, албатта. Бунинг учун жамиятимизда фуқаролик бирдамлиги ва бу бирдамликнинг яхши ният ва мақсадлар сари дадил ҳаракати ҳам керак.

Лекин, афсуски, буни ҳамма ҳам тўғри тушунаётгани йўқ. Баъзилар ҳатто уни тушунишни ҳам хоҳламаётирлар. Шундай экан, давлатнинг диний муассасаларга, диндорларга бўлган ижобий муносабати тўғрисида айтиб ўтиш лозим. Бу ерда гап бир неча йилдан бери диний эътиқодимизда содир бўлаётган низонихтилофлар ҳақида бораётир. Масаланинг мураккаблиги шундаки, айрим шахслар бу ихтилофлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб, ислом ақидаси асосларини чуқур ҳис этмаган ҳолда ихтилоф йўлига қадам босмоқдалар.

Бўлаётган воқеалар кимнинг ким эканлигини янада очиқ кўрсатяпти. Халқимиз шу кунлардаги қийинчиликларимиздан фойдаланиб, жамиятда сиёсий, диний, миллий низо уйғотишга интилаётган кимсаларнинг кирдикорларини тобора кўпроқ билиб олмоқдалар.

Айрим норасмий уюшмалар раҳбарларининг хаттиҳаракати шундан далолат беряптики, улар ҳозиргача оммани чалғитиш учун найрангбозлик йўлига ўтиб олиб, энди диндор-сиёсатчилар билан ўзаро бирлашишга, бир-бирларини қўллаб-қувватлашга, зимдан тил бириктиришга киришмоқдалар. Улар диндорларга яхшиликни раво кўриш мақсадида эмас, балки улардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу гап шу кунларда диний Ислом партиясини ташкил қилмоқчи бўлган одамлар билан бирлашиб, ўз фаолиятини қайта жонлантиришга интилаётган, лекин ўзлари хилма-хил гуруҳларга парчаланиб, бирон ижобий йўл топа олмаётган норасмий ташкилотларнинг раҳбарларига тегишлидир.

Ҳолбуки, диндорларнинг фикрини ифода этувчи Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг Дания бошқармаси Ислом партиясининг ташкил этилишига қаршилигини ўз вақтида билдиргандик. Ўз юрти ва халқи учун жон куйдираётган кўпчилик холис кишилар ҳам дини ва жамиятимиздаги сиёсий ҳаракатларни ўз шахсий манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган кимсалардан тозалашни талаб қилмоқдалар.

Энди эътиборингизни бир мисолга қаратмоқчимиз. СССРнинг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонуни»га асосланиб, 1990 йилнинг 17 декабрь ва 1991 йилнинг 12 январь кунлари «Ислом уйғониш партияси» деб аталмиш уюшма вакиллари А. Ўтаев, А. Каримов, Н. Шокиров ва бошқалар шу йилнинг 26—27 январь кунларида Тошкент шаҳар халқ депутатлари Совети ижроия комитетида Тошкентда шу партиянинг республика таъсис мажлисини ўтказиш тўғрисида рухсат сўраб, мурожаат қилдилар. Бироқ Тошкент шаҳар ижроқўми 22 январь куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1988 йил 19 августдаги, 1990 йил 21 февралдаги қарорларига биноан ҳамда Тошкент шаҳар Советининг 1989 йил 1 апрелдаги қарорига асосланиб, бу илтимосни рад этди.

Шунингдек, юқорида номлари тилга олинган норасмий уюшма ташкилотчилари халқ депутатлари Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ва шаҳар прокуратурасига ҳам таклиф этилиб, йиғилиш ва митинглари ташкил қилиш ва уларни ўтказиш ҳақидаги тегишли қарорлар билан таништирилдилар. Улар бу қарорларга риоя қилишмаган тақдирда қонун йўли билан тегишли жавобгарликка тортилажаги уқтирилди. Аммо бу уқтиришлар кор қилмади. Шу йилнинг 26 январь куни соат 8 да Тошкент шаҳар Фрунзе районида жойлашган Тўқимачилар маданият саройида рухсат этилмаган тадбирни ўтказиш учун 300 дан кўпроқ киши тўпланди.

Шу ўринда савол туғилади: Хўш, ушбу йиғинни ўтказишга ким ҳомийлик қилди?

Йиғилганларга бу ҳаракатнинг ғайри-қонуний эканлиги тушунтирилиб, улар осойишталик билан тарқатилдилар. Юзлаб одамларни ўзларига эргаштирган Дониёр Жабборов, Абдулла Ўтаев, Адҳам Каримов, Абдураҳим Пўлатов, Абдулла Юсуповларга эса суд ҳукми билан 100 сўмдан 1000 сўмгача жарима солинди. Уларнинг бу ниятлари оқибатларига тушунмай бу ерга келган юзлаб кишилар эса огоҳлантирилди.

Шуниси ажабланарлики, рухсат этилмаган бу тадбирга фақат Андижон, Наманган ва Тошкент шаҳарларидангина кишилар қатнашиб қолмай, балки мамлакатнинг турли ҳудудларидан ҳам вакиллар иштирок этишди.

Юртимизнинг шундай нотинчлиги пайтида турли миллий ва диний оқимларга бўлинишнинг кимга кераги бор? Бундан муддао нима ўзи?

Республикамизда тарқалаётган миш-мишлардан муштарийлар хабардор бўлсалар керак. Баъзи бировлар вужудга келаётган ҳар хил муаммоларни диний-сиёсий партиялар тузиш йўли билан ҳал қилиш мумкин, деб ишонтиришга уринмоқдалар. Бундай кишиларни бир нарса бирлаштириб турибди. У ҳам бўлса — ҳокимиятга интилиш ва бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмасликдир. Улар диндорларни бўлиб-бўлиб юборib, бир-бирига қарши қилиб қўйишга уринишяпти. Улар мамлакатимизда кўп партиялилик қарор топаётганидан фойдаланиб қолиш, ўз мақсадларига эришиш учун ҳатто қадриятларимизни ерга уришдан ҳам қайтмаяптилар. Шу кунларда халқ орасида дин, эътиқод номи билан одамларни турли хил сиёсий йўлларга буришга интилаётган шахслар, гуруҳлар республикамизда ғайри-қонуний иш олиб бораётганликлари сир эмас.

Ҳозир «янгича партия»ни талаб қилиб чиқаётган шахслар, гуруҳлар фаолиятига тегишли баҳо бериш зарур, албатта. Бу тўғрида жумҳуриятимизнинг илм, дин аҳллари, қоланверса, кенг жамоатчилик ўз фикрларини айтишлари керак. Шунингдек, халқ ўртасида ҳозиргинг ўзидаёқ пайдо бўлган баъзи фикрлар ва хавотирликлар тўғрисида тўхталиш ҳам жоиздир.

Маълумки, диний эътиқод деганда маълум бир дининг талабларини бажариш ва унинг илоҳий таълимотларига сидқидилдан ишониш тушунилади. Мусулмонлар динга ишонувчи киши сифатида бирон-бир уюшмага, сиёсий оқим ёки партияга мутлақо эмаслар. Зеро, мусулмонларнинг барчаси Оллоҳнинг бандаси бўлгани сабабли, ижтимоий-сиёсий манфаатлари мос келмайдиган гуруҳларга ажралиб, ўз манфаатини ислом дини номи билан ниқоблаши ислом ақоидига тамомила зиддир.

Бу фикрни хорижий шарқ мамлакатларида ислом дини билан сиёсатнинг ўзаро таъсири ва бугунги кундаги аҳволи мисолида ҳам тасдиқлаш мумкин. У мамлакатларда ҳам диндан сиёсий йўлда фойдаланишга кўп уринишлар бўлган ва бу нарса бугун ҳам давом этиб келмоқда. Ўша ерларда уларнинг мақсадларини билган ҳолда руҳонийлар, диндорлар, давлат ҳам уларга қарши курашади.

Бунга яққол мисол қилиб ислом фундаментализмининг ўта ўнг сиёсий оқими бўлган «Мусулмон биродарлари» партиясини кўрсатиш мумкин. Айтиш керакки, бу партия диндорларнинг оғир аҳволи ва ечилмаган муаммоларини қурол қилиб, кўп мамлакатларда катта сиёсий тўқнашувлар келиб чиқишига сабабчи бўлдилар. «Мусулмон биродарлари» партияси ўз сиёсий дастурида халққа қанчалик ваъдалар бермасин, ўз сўзи уддасидан чиқмади, чиқиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки сиёсат, иқтисод, дин, маданият тушунчалари қанчалик бир-бири билан боғлиқ бўлмасин, бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилишнинг ўз қонуниятлари, ўз хусусиятлари бор. Уларни шовқин-суронлар билан, сиёсий-диний экстремизм йўли билан ҳал қилиб бўлмайди.

Биз халқимизнинг диний эътиқодларини ғоятда ҳурмат қиламиз, уни умуминсоний маданиятнинг улкан бўлаги, деб қараймиз. Боиси — динга ишонувчи миллионлаб юртдошларимиз ўз ҳалол меҳнатлари билан юртимиз фаровонлигини таъмин этмоқдалар, жамиятимизни поклаш ишига ўзларининг катта ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Шунинг учун кўпчиликнинг динга самимий эътиқодини диндан ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётганлар билан аралаштирмаслик ва бу йўлдаги ғаразли мақсадларга қарши курашиш лозим.

Ислом партиясини тузмоқчи бўлганларнинг кирдикорлари ортида нималар яширинib ётибди? Шуни айтиш керакки, бу диний оқим мақсади социалистик тузумни ағдариб, унинг ўрнига теократик диний давлат тузишдан иборат. Бу ерда кимнингдир қўли борлиги аниқ. Биламиз, бу ҳаракатлар илдизи Москвагача чўзилган. Бу у ердаги Октябрь район ижроия қўмитаси раиси Заславский томонидан қайд этилган ислом партиясидир. Заславскийнинг бунчалик жон куйдиришининг боиси нимада экан? Қачондан бери у Ислом ва мусулмонлар ҳимоячиси бўлиб қолди экан? Ҳозирча бу бизга жумбоқ.

Ана шу тузилмоқчи бўлган ислом партиясининг раиси Актаев ва унинг муовини С. Гадоевлар-чи? Бу шахслар Ўзбекистон суверен республика эканлигини ва унинг қонунларини оёқ ости қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини билишлари зарур эди. Улар яна шуни ҳам билишлари керакки, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги СССР Қонунида «Диний ташкилотлар сиёсий партиялар фаолиятида қатнашмайди», деб белгилаб қўйилган. Холисона мулоҳаза қиладиган бўлсак, жамиятимиз олдидаги вазифаларни диний ва миллий бўлиниш йўли билан эмас, аксинча, жумҳуриятимизда яшаётган барча халқларнинг диний, миллий хусусиятларидан қатъи назар, уларнинг сиёсий бирлиги, бир-бирига ишончи ва ёрдами асосидагина ҳал қилишимиз мумкин. Бу қонуниятни ҳам диний, ҳам миллий нуқтаи назардан англаб олиш ҳар биримизнинг шу кундаги сиёсий вазифамиздир. Қуръони Каримда ҳам, пайғамбар ҳадисларида ҳам, одамлар ўртасига низо солиш эмас, уларни бирлаштириш савоб иш эканлиги уқтириб ўтилган-ку!

Қолаверса, қайта қуриш берган виждон эркинлиги, ошкоралик, демократияни чуқурлаштиришин наҳотки ислом партияси тузиш жазавасида юрганлар нотўғри тушунсалар?!

СССРнинг 1990 йил 1 октябрда қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунида қонун олдида барча диндор ва динга ишонмайдиганларнинг тўла тенглиги, диний эътиқод туфайли адоват ва нафрат қўзғатишни тақиқлаш ҳақидаги фикрлар янада ривожлантирилиб, шундай дейилади: «Ҳеч ким ўз диний эътиқодларини рўкач қилиб, Қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлай олмайди». (4-модда). «Барча динлар ва диний эътиқодлар қонун олдида баравардир». «Диний ташкилотлар амалдаги қонун талабларига ва ҳуқуқ-тартиботга риоя этишга мажбурдирлар». (5-модда).

Диндорлар номидан ўз манфаатини кўзлаб иш тутаётган, ўз сиёсий йўлини ўтказишга ҳаракат қилаётганлар содда кишиларни алдамаяптиларми? Қонун ман этишига қарамай, маҳаллий ҳокимиятдан нега кўра била туриб қонунга зид нарсани талаб қилмоқдалар? Янги сиёсий партия тузмоқчи бўлаётганларнинг ўзлари халққа бирон фойдали ҳиммат кўрсатишганмиди? Улар ўзи ҳақиқий диндорларми?

Муҳаммад пайғамбар: «Ҳамма одамлар — Оллоҳнинг оиласи, шу оила учун энг кўп фойда келтирган киши Оллоҳнинг энг севимли бандаси», деган эдилар. Элу юрт, барча миллатлар, халқлар бирлиги ва аҳиллиги учун жон куйдириш ҳам қарз, ҳам фарз бўлган шу кунларда нега улар ўртамизга нифоқ, аҳилчилигимизга раҳна солишга уринмоқдалар. Йўқ, уларнинг нияти республикамиздаги ҳозирги тинч-тотув, баҳамжиҳат, якдил турмуш тарзига зарба бериш экани бизга мутлақо аён. Нафақат Москвада, балки чет элларда софдиллигимиз, якдиллигимиз, пораҳўрлик, ўғирлик каби иллатларга қарши курашишимизни ёқтирмаган ҳаётимизга ғаразли кўз билан қараётганларнинг қўли бор эмасмикан бунда? Бу саволлар барча зийрак кишиларни ташвишлантирмоқда.

Аммо улар ўз мақсадларига эришиш учун кўп ҳаракат қилган бўлсаларда, халқимиз бунга асло йўл қўймайди. Бугина эмас, бошқа диндаги кишиларнинг ҳам ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларига йўл қўймаймиз. «Ислом партияси» раҳнамолари бизнинг келажак сари тутаётган оқилона ва хайрли ишларимизга асло тўғаноқ бўла олмайди! Лекин динни ниқоб қилиб олиб, халқнинг ишончини суистеъмол қилганлар ҳеч қачон муродларига етган эмаслар. Тарихда бундай мисоллар истаганча топилади.

Зеро, эркинликни истаган нарсани қилавериш, деб тушуниш хато эканлигини ҳам эслатиб ўтиш жоиздир. Буюк алломалардан бири ўз ҳамсуҳбатига бу ҳақда шундай деган эди:

— Тўтиқушдек бир сўзга ёпишиб олиб, ҳадеб эркинлик, эркинлик, деб такрорлайверасан, қаёрда ўша сен айтган эркинлик, унинг маъноси нимада? Агар ўзинг тасаввур қилган маънодаги эркинликка эришсанг, нима бўлишини биласанми? Ўша эркинлик фалсафий маънода тубсиз бўшлиқ, турмушда, амалда эса — сен ялқов, сарқитхўр бўласан. Сени, ўзинг ўйлаган маънодаги эркин кишини ҳаёт билан, одамлар билан нима боғлаб туради? Мана қушлар эркин, аммо шулар ҳам уя қуради, сен эса уя ҳам қурмайсан. Яхшироқ ўйлаб кўргин-а, эркинлик — охир-оқибатда бўшлиқ, чегарасизлик эканлигини кўрасан-қўясан. Бундан узоқроққа ҳеч ким боролмаган, ҳеч ким. Сен билан бизга йўл бўлсин! Биз ҳаммамиз яқин кишиларимиз олдидаги мажбуриятлардан эркин юришни хоҳлаймиз. Аслида эса худди мана шу мажбуриятларни ҳис этганимиз учун биз одам бўлганмиз. Мана шу ҳиссиётимиз бўлмаганида биз ҳайвонлар бўлиб қолардик.

Ўз манфаатини кўзлаб, «Ислом партияси» тузишга уринаётганлар элу юрт, халқ олдидаги худди мана шу мажбуриятларини ҳис этишяптими? Бу партияни тузиш, умуман, мусулмончиликка тўғри келадими ўзи? Муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф яқинда умуман исломда партия тузиш мантиқсиз нарса эканлигини исботлаб, ислом динининг ўзи партия, Қуръони Карим эса унинг дастури эканлигини таъкидлади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг ҳақиқий мусулмонлари шу ғояни қўллаб-қувватлайдилар.

Мутолиб УСМОНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институти «Қуръон»нинг ўзбекча академик нашрини тайёрлаш гуруҳининг раҳбари, фалсафа фанлари доктори.
Ҳамид ИКРОМОВ,
СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

(«Совет Ўзбекистони», 1991 йил 30 январь).

СССР референдуми жумҳурият марказий комиссиясининг қарори

СССР РЕФЕРЕНДУМИДА ОВОЗ БЕРИШНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГЛАРНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

СССР референдумининг Марказий жумҳурият комиссияси Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқини сақлаб қолиш тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон ССРда СССР референдумини ўтказиш ҳақида»ги 1991 йил 26 январдаги қарорига мувофиқ **қарор қилади:**

1991 йилнинг 17 март куни бўладиган СССР референдумида овоз беришни ўтказиш бўйича Ўзбекистон ССРда қуйидаги округлар тузилсин:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

1. Акмал Икромов округи
(маркази — Акмал Икромов райижроқўми, Фарҳод кўчаси, 21-уй).
Акмал Икромов ноҳияси.

2. Бектемир округи
(маркази — Бектемир райижроқўми, Лихачёв кўчаси, 2-уй)
Бектемир ноҳияси, Бинокор шаҳар посёлкаси.

3. Киров округи
(маркази — Киров райижроқўми, Энгельс кўчаси, 89-уй)
Киров ноҳияси.

4. Куйбишев округи
(маркази — Куйбишев райижроқўми, К. Маркс кўчаси, 59-уй)
Куйбишев ноҳияси, Улуғбек шаҳар посёлкаси.

5. Ленин округи
(маркази — Ленин райижроқўми, Полторацкий кўчаси, 18-уй).
Ленин ноҳияси.

6. Октябрь округи
(маркази — Октябрь райижроқўми, У. Юсупов кўчаси, 3-уй).
Октябрь ноҳияси.

7. Собир Раҳимов округи
(маркази — Собир Раҳимов райижроқўми, Қорасарой кўчаси, 279-уй)
Октябрь ноҳияси.

8. Сергели округи
(маркази — Сергели райижроқўми, Совет Армияси майдони)
Сергели ноҳияси.

9. Фрунзе округи
(маркази — Фрунзе райижроқўми, Шота Руставели кўчаси, 62-уй)
Фрунзе ноҳияси.

10. Ҳамза округи
(маркази — Ҳамза райижроқўми, Майна Ҳасанова кўчаси, 2-уй)
Ҳамза ноҳияси.

11. Чилонзор округи
(маркази — Чилонзор райижроқўми, 2-квартал, 53-уй)
Чилонзор ноҳияси.

СССР Референдуми жумҳурият Марказий комиссиясининг раиси Қ. АҲМЕДОВ.
СССР Референдуми жумҳурият Марказий комиссиясининг котиби М. МАМАТАЗИЗОВ.
1991 йил 26 январь.

Октябрь инқилоби нишонли Ўрта Осиё темир йўли 2-Тошкент вагон депосининг жамоаси ўтган йилни муваффақиятли якунлади. Депонинг кекса ходимларидан Убайдулла ака Рихситиллаев ССЖИ темир йўллар вазирлиги томонидан «Фахрий темирйўлчи» унвони билан тақдирланди.
СУРАТДА: У. Рихситиллаев (давра ўртасида) ҳамкасблари билан.

Уйда пардоз бошланди

ШУ КУНЛАРДА ШАҲРИМИЗНИНГ ГЕРМАН ЛОПАТИН КЎЧАСИДА 7 ҚАВАТЛИ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ЖАДАЛ-СУРЪАТЛАРДА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Бу ишни Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 12-трести 50-қурилиш бошқармасининг Тоир Дадахонов етакчилик қилаётган бригадаси аъзолари амалга оширишмоқда. Улар лойиҳа қиймати 1 миллион 874 минг сўм турадиган бинода ҳозиргача 849 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди. Бу муваффақиятларга эришишда жамоанинг Холмирза Мустафоев, Исмоил Ромашкин, Владимир Иванов каби ҳар хил миллатдан таркиб топган бинокорлари айниқса жонбозлик кўрсатмоқда.

Ҳозир мазкур уйда қурилиш-тиклаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Айни пайтда бино қурилишида пардозлаш ишлари бошланиб кетди. Бинокорлар объектни шу йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топшириш ниятида астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ғ. ЮСУПОВ.

АТАМАЛАР КОМИССИЯСИДА ЎЗГАРИШ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ ҚОШИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН АТАМАЛАР КОМИССИЯСИНИНГ ВАЗИФАСИ ВА ИЧКИ ТУЗИЛИШИ ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.

Комиссия фаолиятини жонлантириш ҳамда обрўэътиборини янада ошириш мақсадида шаҳар Совети ихтиёрига ўтказилиб, янги Низоми тасдиқланди.

Шу муносабат билан шаҳар ижроқўмида ноҳиялардаги маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашларининг раислари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Атамалар комиссиясининг раиси К. Р. Расулов мажлис қатнашчиларига ўзгаришлар ҳақида гапириб берди.

Низомга кўра эндиликда ҳар бир ноҳияда ҳам Атамалар комиссияси тузилади.

Билдирилган таклифлар шаҳар комиссияси томонидан кўриб чиқилгач, шаҳар Совети қошидаги доимий комиссия томонидан тасдиқланади. Шундан кейингина кўрилаётган масала шаҳар Совети эътиборига ҳавола этилади.

Атамалар комиссиясининг ҳар чоракда бир марта шаҳар миқёсида ўтказиладиган йиғилишларида муҳим вазифалар муҳокама қилинади.

Ш. САЪДУЛЛАЕВ.

Жумҳурият бўйлаб

ОЛИНГАН ДАРОМАД ИШГА СОЛИНМОҚДА

Риштон деҳқончилик-саноат комбинатининг жамоаси ўтган йили ишлаб чиқаришдаги барча тармоқларнинг барқарор ишлаши ҳисобига икки миллион сўм даромад олди. Ишлаб топилган маблағнинг асосий қисми цехларни реконструкция қилиш ҳамда технология жараёнларини такомиллаштиришга сарфланди.

Комбинат ҳузурида 1000 нишчи ишлайдиган тикувчилик цехи жиҳозланмоқда. Ҳозир Японияннинг «Тойота» фирмасида ишлаб чиқарилган тикиш машиналари ўрнатиляпти. Ёрдамчи тармоқ учун ходимлар Москвадаги тикувчилик фабрикаларидан бирида тайёрланмоқда.

Комбинат даромадларидан ишчиларни моддий рағбатлантиришда, уларга уй қуриш учун ёрдам беришда, камбағал оилалар ва пенсионерларга, ишлаб чиқариш фахрийларига ёрдам қилишда фойдаланиляпти. Кекса ва ёлғиз пенсионерларга озиқ-овқат етказиб бериш учун машина ажратилган. Табобат муассасалари учун ускуналар сотиб олинди.

— Жамоа ишлаб топган пуллар бекорга сарфланмаяпти, — деди деҳқончилик-саноат комбинатининг бош директори, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати А. Аветисов. — Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида биз мустаҳкам пойдевор яратишимиз лозим. Бунинг учун биз консерва ва сут заводлари, гўшт комбинати қурмоқчимиз.

ЎН ТАЙЁРЛАШ КЎПАЙТИРИЛДИ

Самарқанд дон маҳсулотлари комбинатида ун тайёрлаш технологияси такомиллаштирилди. Энди буғдой янчилганидан кейин олинадиган маҳсулот 76 фоиздан 80-82 фоизга етди.

— Янги технология асосида унинг биринчи ва иккинчи навларини тайёрлаш линиялари реконструкция қилинди, — деди комбинат директори С. Ражабов. — Илгари қўлда бажариб келинган баъзи жараёнлар автоматлаштирилди. Бир кеча-кундузда ишлаб чиқарилаётган ун миқдори 163 тоннадан 200 тоннага етди. Бу қўшимча ун қаёқдан пайдо бўлди? Гап шундаки, илгари донни янчиш жараёнида биз қариб ўн хил дон маҳсулотларини олардик. Бунда унинг тўйимлилиги йўқоларди. Янги технология асосида ишлаганимизда эса ҳам кўпроқ, ҳам тўйимлироқ ун олаяпмиз.

Ҳозир бошқа корхоналар, хусусан, Каттақўрғон дон маҳсулотлари комбинати ҳам янги технология асосида ишлашга ўтказиляпти.

НАКАЗ — БУЮРТМА — ГАЗ

КПСС XXVII съезди номли давлат хўжалигининг марказий қўрғонида ёқилган назорат машъали хўжалик қўрғонига газ қувурининг асосий линиясини ўтказиш ишлари туғалланганидан далолат берди. Бир вақтнинг ўзида олтмишта уйга ёқилғи берилди.

Нуқусдаги «Дархон» кооперативининг жамоаси маҳаллий депутатларга сайловчилар наказини бажаришда ёрдам берди. Кооператорлар жами 50 минг сўмга тушадиган бу трассани шартномада белгиланган муддатдан бир ой олдин ўтказдилар.

Бу йил қўрғон чеккасида жойлашган яна камида олтмишта уй газлаштирилади.

(ЎзТАГ мухбири).

ҚОРАТОШ ЧИРОЙИ ОЧИЛЯПТИ

КЕЙИНГИ йилларда шаҳримизнинг Қоратош даҳаси кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Бу ерда катта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Эски пастқам уйлар ўрнига замонавий меъморчилик асосида қурилган турар жой бинолари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва болалар майдончалари қад кўтарган.

Бугунги кунда мазкур даҳада бирваракайига ҳар бири 12 қаватли 4 та тураржой биносида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишни Тошкент қурилиш Бош бошқармасига қарашли 12-трестнинг 49 ҳамда 50-қурилиш бошқармалари бинокорлари амалга оширишмоқда.

— Уйларнинг умумий сатҳи 4 минг 326 квадрат метрни ташкил этади, — дейди биз билан суҳбатда 49-қурилиш бошқармасининг сардори Ўткир Ориппов. — Яқинда шу уйларнинг иккита бўлими фойдаланишга топширилди.

— «Ташгипрогор» олийгоҳининг лойиҳачилар жамоаси чизган бино даҳадаги бошқа уйларга қараганда хоналарининг кенг ва ёруғлиги, гўзаллиги билан ажралиб туради. Ҳозир бахтиёр оилалар янги уйга кўчиб киришмоқда.

— Бу биноларда ҳаммаси бўлиб 4 миллион 734 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришимиз керак, — суҳбатга қўшилди 50-қурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи Рустам Муллажонов. — Тез кунларда шу уйларнинг яна иккита бўлимини ҳамшаҳарларимизга ҳадя этамиз. Ҳозир уйларнинг 4-бўлимида пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳа, қурувчилар объектда тер тўкиб меҳнат қилишмоқда. Бу ерда кейинги пайтларда қурилиш материалларининг тақчиллигига қарамай ишни омилкорлик билан ташкил этиб, юксак унум билан ишлашга ҳаракат қилинаяпти. Бунда Рустам Муллажонов етакчилик қилаётган жамоадан Еқуб Мираҳмедов, Ўткир Ҳасанхонов каби бинокорлар пешқадамлик қилмоқда. Улар бошқаларга ўрнак бўлган ҳолда ўз режа ва мажбуриятларини анча ошириб бажармоқдалар.

Ю. ҒУЛОМОВ.

Одобнома

Пиру бадавлатларимиз

УМР ЗИЙНАТИ

ҲАЁТ ширин, умр азиз! Ҳаётни ширин, умрни азиз этадиган фазилатларни эса, қариялардан ўрганиш керак. Одам-одамга садоқати, меҳр-оқибати, эътиқод-эътимоди билан ҳиммат ва ҳурмат-иззат қозонади.

Турмуш қуриб, оила бунёд этган, бир-биридан ширин-шакар фарзандлар орттирган, уларни даврримизнинг етук ва баркамол кишилари қилиб етказган табаррук отахон ва онахонларимизга ҳар қанча ҳавас қилсак, улардан ҳалол яшаш ва умрни қадрлашни ўргансак, ибрат олсак арзийди.

Садоқат ва вафо билан яшаб, файзли хонадонларни бошқараётган бобо-момоларни шаҳримизнинг кўплаб маҳаллаларида кузатиб қалбимиз фахру ғурурга тўлади. Нуроний отахон, мунис онахонларнинг файзу тароватлари халқимиз ҳаётни нақадар севиб ардоқлашларини ифода этиб туради. Мана бир мисол. Шаҳримизнинг «Гулсанам» маҳалласида Мамарасул бобо билан Саломатхон ая қўшақариб, пиру бадавлат бўлиб яшашаяпти.

— Тотувлик — умрнинг зийнати, — дейди Мамарасул бобо. — Умр йўлдошим билан бир умр «ширин-шакар» муомалада бўлиб, ҳаёт лаззатини тотиб келяпмиз.

— Оилада ота-она яхши бўлса, фарзандлар ҳам салоҳиятли ўсишади, — дейди Саломатхон ая. — Чол-кампир ҳалол яшаб тўрт қиз, уч ўғил етиштирдик. Ҳаммалари бахтини топиб, уйли-жойли бўлишди. Уйимизга ҳаммалари йиғилиб келишса, тўй бўлиб кетади. 30 невара, 31 эварамиз бор.

Маҳаллада бу табаррук оила кексалари — Мамарасул бобо ва Саломатхон аяни ҳамма эъзозлаб: «Шу қарияларга ўхшаб юрайлик», деб эзгу ният қилишади.

Одамлар ҳавас қилган умрларни, азиз умрлар, дейиш керак.

Тоҳир РАҲИМОВ.

⊙ СУРАТДА: табаррук ёшга кирган Мамарасул бобо умр йўлдоши Саломатхон ая билан қарилик гаштини суришаяпти.

Р. Шарипов сурати.

ҲИКМАТ—БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

ЯХШИ ФИКРЛАШ— ЁРУҒЛИКДИР

⊙ Поклар ва яхшилар билан инсон дардига шифо топади.

⊙ Ақлли одам доимо ширин сўз эшитай, дардкаш топай, кишиларга яхшилик қилай деб яшайди.

⊙ Эркин фикрлаш яхши, инсон бўлиб одамларга меҳрибонлик қилмоқ ундан ҳам яхши.

⊙ Маънавий соғлом, маърифатпарвар кишилар ҳар бир нафас ғанимат, ҳар бир ўтаётган дақиқалар бебаҳолиги туфайли ўзларидан фақат яхшилик нурларини сочадилар.

⊙ Эй фарзанд, бойлик деб куйма, ёнма, ўртанма, меҳнат қилиб боғ ярат, хуш хулқинг билан гул бўлиб очил, токи жаҳон кўриб қувонсин.

⊙ Яхши фикрлаш ҳам ёруғликдир.

⊙ Абадий мева берадиган дарахт — эзгуликдир!

⊙ Яхши фазилатли, оқибатли, меҳрибон одамлар абадий ризқ-рўз бераётган она табиатга ўхшайди.

⊙ Эй фарзанд, билгинки, бойлик ўткинчидир. Минг азоб билан дунё тўплаб, инсонийлик нима эканини билмай, ном-нишонсиз кетаётганларга қизиқма. Умрини инсонийликка, эзгуликка бағишлаган, зиё сочаётган улуғ зотларгина ўзларига ҳеч бузилмас абадий ҳайкал қўядилар.

ҲИКОЯТ

Қадим ўтган замонда бир ҳокисор одам бўлган экан. Ёшлигидан мен ҳам уйли бўлсам, умримни тўрт деворни ясашга бағишласам ҳаётим роҳат-фароғатда ўтади деб, халқ, Ватан билан иши бўлмай бор вужудини, меҳри-муҳаббатини, илми-билимини, инсонийлигини тўрт деворга, тошлоқзор ҳовлига сарфлабди. Кўп йиллар давомида ҳовлиси ичида ҳар турли тикан, хилма-хил ҳашаротлар, ранго-ранг тирик жонлар дунёга келаверибди. Ҳокисор одам бундоқ қараса кундан-кун чангалзору тоғу-тошлар орасида қолиб, виждон азобида кўкрагига тонг шамоллари тегмай умри ўтаётганмиш. Ҳар қандай йўллар билан чакалакзорларни тартибга келтирмоқ бўлиб бор кучини ишга солса ҳам у бебош, тартибсиз ўсаётган тикану чангалзорлар томир отиб қўни-қўшнилар ҳовлисидан ҳам ўсиб чиқа бошлабди. Охири у бу ҳовлида фақат тўрт деворни суваш, тузатиш, уйрўзғорни бутлаш, ҳовлидан униб-ўсиб томирлаб чиқаётган мардумгиёларга умрини бағишлайвермасдан уни эзгуликка, кишиларга қўлдан келганча яхшилик қилишга қаратганидан кейингина қолган ҳаёти тўғри йўлга тушиб кетган экан.

Абдураҳим УМАРОВ.

ТУҚҚАН ЭМАС, ТАРБИЯ БЕРГАН — ОНА

«ОНАЖОН! Мана ўнинчи марта беғубор баҳорнинг мусаффо ҳавосидан баҳраманд бўлиш арафасида турибман. Ленин, мен, ана шу қисқагина давр ичида бирор марта «дадажоним» ким эканлиги, унинг меҳри нечоғли иссиқлигини ҳамон билмайман. Шу вақтгача «дада» деган буюк сўзга илҳақ бўлиб, армон билан яшаб келдим.

Онажон! Нега энди ўн йилдан буён баҳор билан ҳамнафас бўламану, мени ёруғ дунёга келтирган ўз дадажонимни кўриш бахтига муяссар бўлолмайман?!. Нега?.. Нега?.. Нега?..

Қалбимда бот-бот йиғлайдиган ушбу саволлар ҳамон мени қийнайди, кўнглимни безовта қилади, узоқ тунлари эса ором бермайди. Қалбимни тирнаб-тирмаловчи ушбу саволга фақат сиз жавоб бера оласиз, онажон!

Болалик! Беғубор, осуда болалик?... Сарсон-саргардонлик билан кечган болалик, армонларга тўлган болалик, меҳр-муҳаббатга зор болалик!.. Болалигимга назар ташлар эканман, беихтиёр шоир Эркин Воҳидовнинг бир шеъри ёдимга тушаверади.

Болалик!
Мен сени бир умр қалбда
Она сути каби сақлай муқаддас
Ва лекин, эртанги кунимдан кечиб,
Сенга қайтмоқни ҳеч қилмайман ҳавас!

Ҳа, ўшанда беш ёшда эдим. Эсимни таниб «дада» деган меҳригиёли сўзни англаб етгандим. Кўчадаги бегона одамларнинг, уйимизга келган бегона кишиларнинг «дада» деб бўйнига осилиб, эркаланганим ҳамон эсимда. Онажон! Ўшанда менинг мурғак қалбимнинг, яъни гўдак ўғлингизнинг дадасини соғиниб қўмсаётганини, бировларнинг бўйнига осилиб эркаланганини кўриб, бизнинг ота меҳрига зор-интизор эканлигимизни англаб наҳотки юрагингиз увишмаган бўлса?

Тақдир деганларидек, пешонамга отасиз туғилиш, унинг меҳрисиз улғайиш ёзилган экан, лекин сизнинг бугунги кунда қандай, қанақа йўллар билан пул топиб бизни боқаётганингиз-чи?.. Наҳотки, виждонингиз қийналмаса, онажон!? Дунёда отасини танимай, унинг дийдорига тўймай армон билан яшаётган бегуноҳ ўғлингизни кечиринг, онажон! Чунки, мен юрагимда айтилмай қолган барча сўзларни бугун мактуб орқали сизга ёзиб, қалбингизни бироз тирнаб ўтмоқчиман.

Онажон! Ҳаммасига чидадим. Лекин сизнинг ишламай, бизни ҳаром йўл билан боқишингизга ортиқ чидай олмайман. Ҳар куни уйимизга ҳар хил бегона эркакларнинг кириб келиши, укам ва мени уйдан чиқариб қўйишингиз жонимдан ўтди, онажон! Кези келганда, укам иккаламизни бировлар эшигига ташлаб, ўзингиз кечаю-кундуз тўйматўй сангидингиз, машинама-машина юриб, икки-уч кунлаб бедарак кетдингиз, қолаверса, уйимизга бугун бошқа одамни, эртага бошқани етаклаб келдингиз. Наҳотки, андишани унутган бўлсангиз, онажон!

Онажон! Вақтингиз йўқлигидан кийимимизни ҳам ювиб беролмадингиз. Ишингиз кўплигидан, бизни ювинтиришга ҳам қўлингиз тегмади. Онажон, сиз туфайли биз бегуноҳларни боғчага ҳам олишмади. Бечора укам билан ҳали Шура опанинг, ҳали Зулайҳо холанинг эшигини пойлаб сарсон бўлдик. Ахир, уйда бўлган вақтингизда ҳам бизни бирор марта пешонамиздан ўпиб, «болажонларим» деб эркалаб, бағрингизга босмадингиз-ку, онажон.

Наҳотки, бизга меҳру муҳаббатингизни ҳам раво кўрмадингиз, онажон! Ўшанда бегуноҳ ўғилларингиз сизнинг йўлингизни пойлаб кўзимиз тўрт бўлди. Бироқ, сиз бепарво эдингиз, онажон! Сиз туфайли маҳалладагилар ҳам бизга нафрат кўзи билан қарашди. Қолаверса, биз бегуноҳларни бунча қийнайсизлар, одамлар! Пешонамизнинг шўрлиги, ҳаётимизнинг заҳарлиги етмасмиди биз учун!.. Айбимиз шундай бадбахт, ҳаёсиз кимсанинг хонадонида туғилганимизми? Ахир, бизлар ҳам инсонмиз-ку. Биз ҳам яшаш учун дунёга келганмиз-ку!

Онажон! Сиз туфайли уйимиз ёниб кул бўлди, кўкрагингиздан пичоқ еб касалхонага тушдингиз. Сизнинг айбингизга биз бегуноҳлар ер ёрилмади, ерга кирмадик, онажон! Наҳотки, виждонингиз қийналмаса?!

Онажон! Ҳаром йўллар билан пул топиб боққандан, бировлар эшигига хорзор қилиб қўйгандан, шарманда бўлиб қувилгандан кўра, биз бегуноҳ гўдакларни болалар уйига топширганингиз афзал эмасмиди? У ерда меҳридарё, қалби тоза инсонлар қўлида яхши тарбия олардик. Ҳозир мен ва укам Асал холам қўлида тарбия олиб улғайяпмиз. Англадимки, «Туққан эмас, тарбия берган — она» экан.

Ҳа, онажон, биз сизнинг қалбингиз тўридан отилиб чиққан, миттигина, мурғак қалбимиз билан ҳам кун сайин ўсиб, улғайиб бораяпмиз. Ўша бизнинг миттигина қалбимизда сизга бўлган нафратимиз ҳам ошиб бораяпти. Барибир ҳаёт бизга ота-она меҳри билан ўсишни ато этмади. Кечалари уйғониб кетиб, табиатга ёлвораман-да, онам каби виждонсиз аёлларни инсофга чақираман.

Бу мактубни ёзишда қўлим қалтираб, бутун вужудимни титроқ босганди... Бироқ, қанчалик азобли бўлмасин, бошқаларнинг ҳаёти бизнинг ҳаётимиз каби аччиқ бўлишини хоҳламайман. Шунинг учун ҳам енгил-елпи иш кўришга ўрганиб қолган онам каби енгилтак аёлларга юрак тўла армонларимни тўкиб, уларга илтижо қиламан: ҳаётда ўз отасини танимай, унинг дийдорига тўёлмай, армон билан яшаётган тирик етимлар сонини кўпайтирманг. Уларнинг пок онажониси бўлишга чақираман!

Мактубимни қай сўз билан тугатишни билмай тургандим, беихтиёр юрагимдан бир шеър садо бергандек бўлди.

Онадир — келажакка йўл очган инсон,
Онадир — эрк боғида гул очган инсон.
Онадир — ҳақиқатни сўйлаган инсон,
Онадир — қалби тоза, иймонли инсон?»

Баҳодирнинг армонларини Тоҳир АБДИЕВ ёзиб олган.

ҲАҚИҚИЙ ГЎЗАЛЛИК НИМАДА?

БИР одамнинг жуда соҳибжамол уч қизи бўлган экан. Кунларнинг бирида у қизларини чақириб:

— Мен узоқ сафарга кетяпман. Сизларга нима олиб келай деб сўрабди.

Катта қизлари бир-бирига гап бермай отасидан зар, кимхобу турли хил тақинчоқлар олиб келишни сўрашибди. Бир чеккада жим турган кенжа қизига отаси:

— Сен нега индамайсан? — дебди.

— Менга ноннинг куйган қисмини олиб келинг,— жавоб берибди у.

Отаси кичик қизининг гапидан ҳайратланиб, сафарга жўнаб кетибди. Ота сафарни кўнгилдагидек ўтказибди, лекин қайтаётганда чўл-у биёбонларда жуда қийналибди. Йўлга олинган нонлар тугаб, фақат кенжа қизи учун сақлаб келаётган куйган жойлари қолибди. Чорасизликдан бир неча бор шуларни ҳам емоқчи бўлибди-ю, аммо қизининг бирдан-бир истаги шу эканлигини ўйлаб ўзини тийибди. Уйга етиб келгач, қизларига айтган нарсаларини тарқатиб, учинчи қизидан:

— Нима қиласан буни? — деб қизиқибди.

— Ҳеч нима. Сиз узоқ йўл босиб қийналганингизда нонинг куйган қисмини ҳам еб касал бўлиб қолишингиздан қўрққандим.

Ота кенжа қизининг фақатгина ҳуснда эмас, одамийликда ҳам бебаҳо эканлигига тан берибди.

Бу ҳар томонлама тўкис қиз қиёфасини эсга олишдан мақсад замонамиз қизларини ҳам шу қиз каби ҳар томонлама гўзал кўриш истагидир. Ташқи чирой қизлар учун етарли эмас, албатта.

Гўзаллик. — бу қисқа муддат ҳокимлик қиладиган қироличадир, дейишади. Ташқи гўзаллик инсон ички олами гўзаллиги билан янада қимматлидир. Китоб муқоваси зарҳалли бўлиб асар мазмунсиз бўлса ўқувчи ундан ҳеч нима ололмайди. Бунинг учун иккаласи бир-бирига ҳамоҳанг бўлмоғи даркор.

Ҳозир кўпчилик отахон-онахонларимиз баъзи қизларнинг ҳулқ-атворидан, ўзларини тутишларидан, Ғарбга тақлид қилиб кийиниш-лари-ю, ичиш-чекишга берилиб кетганликларидан қаттиқ ташвишдалар.

Яқинда «Ҳозирги замон ўзбек қизининг ички ва ташқи маънавий олами қандай бўлиши керак!» деган савол билан опасингилларимизга мурожаат этдик.

Раҳима ЗОҲИДОВА,
фахрий ишчи:

— Кўча-кўйда юраверib кўп нарсанинг гувоҳи бўларкансан. Баъзан ўзини тутишни билмайдиган, алламбало кийимлар кийиб олган ўзбек қизларини кўриб беихтиёр ёқа ушлайсан. Майли, қизларимиз ҳозир урф бўлган кийимларни кийишсин. Чиройли кийинишсин, аммо чегарадан чиқиб кетишмасин, тасқарага ўхшаб қолишмасин. Қаерда бўлишмасин одобни, камтарликни, ибо-ҳаёни унутишмасин. Шундайларни келин қилсанг барака топасан.

Зуҳра ЖЎРАХОНОВА,
10-синф ўқувчиси.

Мактабимизда ўқитувчилар «Зирак тақма, сочингни қирқма, бўянма» деб дакки беришади. Менимча, бу ноўрин. Тўғри, ўқувчи ўқувчидай бўлиши керак. Мактабга меъёридан ошириб ясан-тусан қилиб, формасиз келадиганлар ҳам бор. Лекин, ўқитувчиларнинг юқоридаги даккилари бундайлар учун фойдасиз. Аввало ҳар бир қизнинг ўзида камсуқумлик, одоб, ўзига маҳлиё бўлмаслик хислатлари бўлиши керак.

Малика ОРИПОВА,
Тошкент чарм-атторлик ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчиси, 19 ёшда.

— Менга ўта замонавий кийиниб олиб, бошқаларнинг кийимига бурнини жийириб қарайдиган қизлар ёқмайди. Қизларимиз оғир табиатли, одми кийинадиган, рўмол ўраб юришларини хоҳлардим.

Ойниса РАҲИМОВА,
ўқитувчи, 21 ёшда.

— Билмадим, менга шундай туюладими ёки ҳақиқатан ҳам шундайми, ҳозирги пайтда ўта такаббур, айёр, худбин, ёлғончи қизлар кўпайиб кетяпти. Бу нарса қиз болага ҳеч яраш майди. Бундай феълдаги қизлар қанчалик гўзал бўлмасинлар, уларга фақат биринчи марта кўраётган одамгина маҳлиё бўлиб қараши мумкин. Бошқа яхши фазилатлар билан уйғунлашмаган гўзаллик кераксиз бир нарсага айланади. Мен даврримиз қизларининг ана шу одатлардан форғ бўлиб, соф бўлишларини истардим.

Зебо АҲРОРОВА,
ТошДД толибаси, 20 ёшда.

— Мен «Қизлар ундай кийинсин, бундай кийинмасин» деган гапларга мутлақо қаршиман. Ҳамма ўзига ёққан, ўзи учун қулай бўлган кийимини кийсин. Бу кишининг ички оламига таъсир этмайди. Ҳар бир киши ўз маънавиятидан келиб чиққан ҳолда иш кўради. Ёшларнинг хоҳиш-иродасини ҳар қандай вазиятларда ҳам чеклайвермаслик керак. Шусиз ҳам ҳаёт мураккаблашиб кетган.

Гулсум ХУДОЙҚУЛОВА,
ТошДД толибаси.

БАҒРИ КЕНГ ИНСОН

Ёдномалар

⊙Жумҳуриятимизда ўзбек саҳнасининг устаси, жамоат арбоби, ССЖИ халқ артисти Олим Хўжаев таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланмоқда. Устоз билан бир жамоада ишлаган, унинг марҳамати ва йўл-йўриқларидан баҳраманд бўлган кишилар ва томошабинлар санъаткорнинг порлоқ хотирасини ёдга олмоқдалар. Шулардан бири Ҳамза номидаги ўзбек Давлат Академик драма театрининг етук актёри, ССЖИ халқ артисти Зикир Муҳаммаджоновдир.

— Зикир ака, Олим Хўжаевнинг ижоди олам-олам саҳифаларга сиғмайди. Сиз билан у кишининг инсоний фазилатлари ҳақида гаплашсак.

— Жуда яхши ўйлабсиз. Ҳозир жамиятимизда меҳр-шафқат, оқибат ва одамийлик борасида кўп фикрлар билдирилаяпти. Олим Хўжаевдек буюк бир актёрни хотирлар эканман, уни ўзим билган ҳолда фикр юритишни истардим. Олим ака Бухорода савдогар оиласида туғилди. Отаси ўз халқига етишмаган камёб молларни бошқа юртлардан олиб келиб, тирикчилигим ўтса бўлди, деб қарайдиган мўмин-мусулмон эди. Бу оилада ўтмиш маданияти кенг тарғиб қилинган, адабиётимиз, буюк зотларимизнинг асарлари тўхтовсиз мутолаа этиларди. Хонадон соҳиби эса Навоий, Фузулий ғазалларини ёддан биларди. Форс ва турк тилларини мукаммал ўрганган эди. Шу туфайли ҳам улар ўз ўғилларининг саводли бўлишига ҳаракат қилдилар.

— Олим ака Бухородаги хотин-қизлар билим юртида таҳсил кўрган эканлар...

— Тўғри. Баъзилар ҳайрон бўлиши мумкин. Бунга асосий сабаб, билим юрти улар хонадонига яқин жойлашган. Бошқа томондан эса, шу даргоҳдагина мукаммал билим олиш мумкинлигини билган ота-она илтимос билан топширишади. Ёш Олим ҳаваскорлар тўгарагида музика чалиш ва ашула айтишни машқ қилади. Шу кезлари Бухорога истеъдодли ёшларни ахтариб борган ўзбек саҳнасининг отахон режиссёри Маннон Мажидович Уйғур уидаги иқтидорни кўриб, ўз театрига таклиф этади. Бу — Олимнинг орзуси эди. У ота-онасининг оқ фотиҳасини олиб Тошкентга, Ҳамза театрига келади.

— Ўша пайтда жамоада ижод жараёни қандай кечган?

— Олим ака бу катта даргоҳда иш бошлаганида у билан бир даврда келган Шукур Бурхонов, Наби Раҳимов, Карим Зокиров каби бир неча истеъдодлар бор эди. Ёш санъаткор Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Обид Жалилов ва бошқа атоқли актёрларнинг эътиборида турди. Чунки унинг тиришқоқлиги ҳамманинг эътиборига сазовор эди. Маълумки, драма театрида асосан сўз билан фикрлар акс эттирилади. Бухороча шевага ўрганган Олим Хўжаев ўзбек адабий тилини эгаллаш учун тунукун ишлади. Кўп ўтмай изланишлари туфайли Шекспирнинг Ҳамлетини моҳирона ижро этишга эриша олди. Унинг энг олий мақсади улуғ мутафаккир Алишер Навоий образини яратиш эди. Шу мақсад йўлида Аброр ака билан биргаликда бу ролни тайёрлашга киришди. Навоий образи ҳаққоний чиққанлигига санъаткорнинг шарқ адабиётига қизиқиши, Навоийни ёддан билиши катта ёрдам берди.

— Олим акани етук жамоат арбоби сифатида ҳам қадрлашади...

— Ҳа, у киши буюк жамоат арбоби эди. Бир неча бор Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши депутатлигига сайланган. ССЖИ Давлат мукофот қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатди. 20 йил жумҳурият театр жамиятининг раиси бўлиб ишлади. Бу давр ичида театрларимизнинг ривожланишига ниҳоятда катта ҳисса қўшди. У санъаткорларнинг ҳақиқий ғамхўри эди. Айниқса, ёшлар ижодига алоҳида эътибор билан қаради. Биргина менинг ўзимга Зокиржон Фурқат, Абу Райҳон Беруний ролларини тайёрлашимда яқиндан ёрдам бергани ҳамон эсимда. Ҳозир томошабинларга машҳур бўлиб келаётган, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Муҳаммадали Абдуқундузовнинг (яқинда Бобур ролини ижро этган) Термиз драма театридан жамоамизга келишига жонбозлик кўрсатганлар. Ўша йиллари ёш режиссёрлардан Баҳодир Йўлдошев ва Рустам Ҳамидовларнинг ҳозир шуҳрат қозонишларига ҳам у киши сабабчи, десак муболаға бўлмайди. Олим ака театрга директорлик қилаётган вақтларида репертуаримизнинг бойиб боришига алоҳида эътибор бердилар. Жумладан, «Беруний», «Антигона», «Мен Чилига ишонаман» каби асарлар саҳна юзини кўрди. У киши жамоамизни чет эл гастролларига олиб чиқишга ҳам кўп ҳаракат қилганлар.

— Олим ака ҳақида яна қандай хотиралар ёдингизда қолган?

— У ота-онаси, авлод-аждодлари ва ёру биродарларини сира унутмас эди. Эсимда, Москвага кетишларидан олдин Бухорога кузатиб қўйган эдим. Тайёрага чиқаётиб, ота-онам ўтган ерларни зиёрат қилиб келиш ниятим бор, деган сўзларини ҳеч унутмайман. Олим Хўжаев қатағон даврининг қурбони бўлишига озгина қолган. Бунинг боиси, Файзулла Хўжаевдек давлат арбоби билан бирга суратга тушгани экан. Яна бир мисол. Қатағон даврининг қурбони Маъзумовнинг умр йўлдоши ва боласини ўз қарамоғига олишга журъат этди. Бу билан Шоҳида Маъзумованинг Ўзбекистон халқ артисткаси, қизи Эркли эса санъат соҳиби бўлишига катта ҳисса қўшганлар. Олим ака ана шундай ажойиб, бағри кенг, жафокаш инсон эди.

Суҳбатдош
Шуҳрат САЪДИЕВ.

«Қирқ тўрт йил бирга бўлдик...»



Шоҳида опа Маъзумова билан бир баҳона сабаб учрашиб суҳбатлашган эдим. Ўшанда у киши иккинчи бор инфарктни енгиб оёққа турган пайтлари эди. Кириб борганимда Шоҳида опа каттакон альбомни варақлаб ўтирган эканлар. Чой ҳўплаб ўтирибмизу, альбомга тез-тез кўз ташлаб қўярдим.

— Кўргнигиз келяпти-а! — маъюсгина жилмайди, — варақлай қолинг.

Альбомни варақлаб кўриб, Олим Хўжаев ҳақида Шоҳида опанинг ҳикояснни тингладим.

«Олим ака билан 1930 йилларда таништганман. Мен аёлларни бундай ҳурмат-эҳтиром қиладиган одоби-хулқи беқиёс гўзал инсон йўқ бўлса керак деб ўйлайман. Бир мисол айтай.

«Ҳамлет» спектаклини ҳали Ҳамза театри саҳнага олиб чиқишни режалаштирмасдан аввалроқ Олим ака мустақил ўқиб тайёрланиб юрарди. «Ҳамлет катта файласуф» дер эди доим.

Роль тақсимланганда Ҳамлетни Аброр Ҳидоятов ўйнайдиган бўлиб қолди. Олим Хўжаев ўйнасин деганлар ҳам бўлди. Лекин Олим ака бош тортди. Ҳамлетни, албатта, Олим ака ижро этди. Аброр аканинг розилиги, оқ фотиҳаси билан ижро этди. «Ўйнасин, майли» деб розилик берганлар буюк актёрмиз.

Менн Олим Хўжаев билан таништириб, унга олиб берган Обид Жалилов бўлганди. 1933 йил эди ўшанда. Оилавий аҳволимни суриштириб, ёлғизлигимдан воқиф бўлгач:

— Турмуш қурмайсизми! — дедилар.

— Йўқ, — дедим журъатсизгина, — ким оларди мени.

— Шундай ўтиб кетмайсиз-ку! — дедилар Обид ака қуюниб. — Мен бунн шундай қўймайман. Албатта, бахтингизни топасиз. Ўзи жуда яхши артист.

Кейинроқ Обид ака кимни назарда тутганларини билиб олдим. «Обид акага айтибди мен ҳақимда, нега ўзимга айта қолмайди» деб ўйладим. Ҳар қадамда уни кузата бошладим. Олим аканинг бировга бир оғиз қаттиқ гап, бир бора ножўя қадам ташланганларини кўрмадим. Ишни жуда ҳалол бажарардилар.

Бир кунн у билан рўбарў қолиб, суҳбатлашиб қолдик.

— Бунн қаранг, жуда суҳбатн ширин эканмизу, — дедилар.

— Шунақа, билмайсизда, — дедим ерга қараб.

— Нега! Сизни ҳурмат қиламан, сиз...сиз жуда яхши аёлсиз, — дедилар тутилиб.

— Обиджон акамга бир нима дебсизми! — сўрадим секингина.

— Дедим,— дедилар Олим ака, — бизнинг авлод жуда тез ўсяпти. Муҳаббатимиз ҳам шунга яраша ўтяп бўлади. Ўлгунча ташламайман, ҳурмат қиламан.

Нега тўсатдан шундай дедилар — билмадим. Муҳаббат изҳорини бу, ёки таклифми — ҳеч тушунолмадим.

Бир кунн йўлакда кўзларида ёш, маъюс турибдилар.

— Нима бўлди! — деб сўрадим юрагим титраб.

— Отам ўлиб қолибдилар! — деди Олим ака изтироб билан, — энди кўмишга улгуролмайман.

Маросимга борнб келганлардан кейин учрашиб дил ёрдилар:

— Шоҳидахон, менга тегиб қўяқолмайсизми! Ўлгунча хизматингизни қиламан.

Шунда тилимга келган гапни қаранг:

— Майли — дебман, — тегсам тега қолай.

Шу тариқа мен у киши билан турмуш қурганман. Қирқ тўрт йил бирга яшадик. Қирқ тўрт йил мобайнида «сиз» деган тилларн «сенга бормади.

Олим аканинг яхши бир одати, ролларнн овоз чиқариб тайёрлардилар. Шу сабабли қўни-қўшиларнн яхши маънода безовта ҳам қилиб қўярдилар.

Мен у кишини Навоий, Ҳамлет, Яго, Мавлоно Фиконий, Ҳамза қиёфаларида кўрдим. У кишининг ҳаяжони, у кишининг дарди, у кишининг бахти билан яшадим.»

... Альбомни ёпганимда, Шоҳида опа Олим Хўжаевнинг девордаги суратига тикилиб ўтирардилар, мижжаларида икки томчи ёш қапқиб турарди.

Ўша кунги учрашув биринчи ва охиргиси эканлигини билмасдим. Ўша альбомдан икки суратни эсдалик тариқасида олгандим. Улардан биринн оқшомхоналарга туҳфа этдим.

Темур УБАЙДУЛЛО



Янгилик, хабарингиз борми?

ҚИРОЛИЧА СЕВГАН ЎЙИН

КЕЙИНГИ пайтларда қайта қуриш шарофати билан мамлакатимизга янги-янги спорт турлари кириб келмоқда. Кикбоксинг, кэтч, бодибилдинг, Америка футболи, бейсбол, таэквон-до, айки-до, ушу, атлетизмлар шулар жумласидандир. Халқ севган, бироқ таъқибга учраган биллиард бўйича иттифоқ биринчиликлари ўтказила бошланди. Ҳатто ғарб «оқсуяк»ларининг ўйини деб ҳисоблаб келинган гольф бўйича ҳам илк клублар тузилди.

Сўнгги вақтларда яна бир янги спорт тури — дартс жуда тез оммалашмоқда. Бироқ кўпчилик спорт ишқибозлари бу номни биринчи марта эшитаётган бўлсалар ажаб эмас. Шу сабабдан дартснинг тарихига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ривоятларга кўра, бу ажойиб беллашув қадимги Англияда қирол Генрих VIII саройида қироличанинг кўнгилхушлик қилиши учун ўйлаб топилган экан. Кейинчалик дартс Англия қаҳвахоналарига, сўнгра аста-секин куррамизга тарқала бошлади. Ҳозирга келиб фақатгина Англиянинг ўзида дартс билан етти миллиондан ортиқ киши шуғулланмоқда, у жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатларида маълум ва машҳурдир. Ҳозир дартс бўйича жаҳон биринчиликлари, йирик халқаро турнирлар ўтказилмоқда.

Мамлакатимизга дартснинг кириб келиш тарихи ҳам қизиқ. 1989 йили ушбу ўйиннинг 200 нусхаси Москвага келтирилди. Шаҳримизга шундан атиги бир донаси тегди. Шу йилдан бошлаб Англиянинг «Юникорн» ва «Жон Браун» фирмалари ҳамкорлигида дартс билан Москва, Тошкент, Одесса, Рига, Ленинград, Махачқалъа, Тверь шаҳарларида фаол шуғуллана бошладилар. 1990 йил бошларига келиб ССЖИ дартс федерацияси тузилди. Август ойида эса Иттифоқимиз Давлат спорт қўмитаси дартсни спорт ўйини сифатида расман тан олди. Мамлакат биринчилиги, Кубок ўйинлари ва бошқа турнирлар ўтказила бошланди. Мутахассисларнинг фикрича, яқин 2—3 йил ичида дартс мамлакатимиздаги энг машҳур спорт турлари қаторидан ўрин олади.

Ўзбекистонда эса дартснинг кенг қулоч ёйишида соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи жамоат ташкилоти — халқаро саломатлик уюшмасининг Тошкент шўъбаси (ТАФАС)нинг хизматларини таъкидлаб ўтиш жоиз. ТАФАС ва Ўзбекистон ССЖ Давлат спорт қўмитасининг ташаббуси туфайли жумҳуриятимизга дартс комплектлари олиб келиниб, вилоятларга тарқатилди. Дартс бўйича илк клуб эса Олмалиқ шаҳрида ташкил этилди. Олмалиқлик спортчилар 1990 йил октябрь ойида ўтказилган ССЖИ Кубоги ўйинларида ҳам иштирок этдилар.

Шуни қувонч билан таъкидлаймизки, ССЖИ дартс федерацияси шаҳримиздаги «Авиапрактика» корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган дартс учун нишонларни халқаро стандартларга мос келадиган Иттифоқ бўйича энг яхши спорт анжомлари деб ҳисобламоқда. Қизиғи шундаки, ҳатто мутахассисларнинг ҳам ушбу нишонни «Юникорн» (Англия) фирмасининг шундай маҳсулотидан ажрата олишлари мушкул бўлмоқда. Ҳозирда «Авиапрактика» нишонларни кўплаб ишлаб чиқармоқда. Хоҳловчилар қуйидаги адрес бўйича буюртма беришлари мумкин: Тошкент — 17, а/я 2934.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳақли савол туғилади: нима учун дартснинг ишқибозлари бунчалик кўп? У ишқибозларнинг юрагини нимаси билан забт этади? Гап шундаки, дартс билан барча ёшдаги кишилар бемалол шуғулланишлари мумкин. Ўйинни бирпасда ўрганиб олса бўлади. Дартснинг яна бир яхши томони шундаки, у катта зал ёки махсус хоналарни талаб этмайди. Дартс кишини дадилликка, ўзига ишонишга ўргатади, кўзни ўткирлаштиради. Ҳаракатларнинг мувофиқ бўлишини ривожлантиради. Шу сабабдан чет мамлакатларда дартс билан қаҳвахоналарда, мактабларда, клуб, корхона ва ҳатто хонадонларда шуғулланишади. Жамиятшунос олимларнинг фикрича, ушбу ўйин ёшлар ўртасида жиноятчиликни камайтиркан.

Энди қизиқувчилар учун ўйин қоидаларини қисқача баён этамиз. Ўйинда асосан икки спортчи беллашади, команда бўлиб ҳам қатнашиш мумкин. Иштирокчилар 237 сантиметр масофадан туриб кичик найзачаларни навбатма-навбат уч мартадан, юмалоқ нишонга ирғитадилар. Нишон маркази ердан 173 сантиметр баландликда бўлиши лозим. Йигирмата тенг бўлакка бўлиниб, 1 дан 20 гача рақамланган нишонда 1 тадан 180 тагача очко тўплаш мумкин (уч марта найза санчишда). Ўйин бошланганда рақибларда 301 ёки 501 тадан очко бўлади. Ким биринчи бўлиб очколарни тугатса, у ғалаба қозонган ҳисобланади. Қизиғи шундаки, ўйинни якунлашингиз учун 7 ёки 10 очко қолган бўлсаю, сиз 11 очко тўплаган бўлсангиз, у ҳисобланмайди. Ўйин ўзингизга зарур бўлган сонни найзача билан аниқ нишонга ургунингизгача давом этаверади. Ҳар бир ўйин «лег» деб аталади. Бир беллашув учта «легз»дан иборат бўлади. Ким биринчи бўлиб 2 «легз»ни ютган бўлса, у беллашувда ғалабага эришади.

Яқинда халқаро саломатлик уюшмаси Тошкент шўъбасининг директори Владимир Лушчевскийнинг саъйи-ҳаракатлари билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг клубида дартс билан журналистларнинг танишуви бўлиб ўтди. Дастлаб дартснинг тарихи, унинг жаҳон ва мамлакатимиздаги ривожига тўхталиб ўтилди, ўйин қоидалари баён этилди. Сўнг спорт мавзуида қалам тебратувчи жумҳурият журналистлари ўртасида кичик турнир ўтказилди. Спортни миридан-сиригача яхши тушунадиган синчков қалам соҳибларида катта қизиқиш уйғотган кескин беллашувлардан сўнг «Ўзбекистон автомобилчиси» рўзномасининг сураткаш мухбири Сергей Михайлов ғалаба қозониб, дартс ўйинининг тўлиқ комплекти билан тақдирланди. Биз ғолибни табриклаб, ушбу қизиқарли ва жўшқин ўйиннинг жумҳуриятимиз ҳудудида кенг қулоч ёйишига оқ йўл тилаймиз. Эндиги навбат эса расмий турнирга: барча қизиқанларни шу йил 16 февралда ўтказиладиган Киров ноҳиясининг очиқ биринчилигига таклиф этамиз.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

⊙ СУРАТДА: журналистлар ўртасидаги беллашув ғолиби С. Михайлов.

ЭРТАКЛАРИМИЗНИНГ ХОРИЖЧА НАШРИ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФОЛЬКЛОР АСАРЛАРИ КЎП ЖОЙЛАРДА СЕВИБ ЎҚИЛМОҚДА. ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ КИТОБХОНЛАРИ ҲАМ ХАЛҚ ИЖОДИЁТИНИНГ БУ НОЕБ НАМУНАЛАРИГА ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН МУНОСАБАТДА БЎЛМОҚДАЛАР.

«Ўзбек халқ эртаклари» туркумнинг чет тилларда чоп этишга киритилганлиги айни муддао бўлди. «Ўқитувчи» нашриёти чет тиллар адабиёти таҳририяти томонидан чиқарилаётган бундай тўпламлар кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.

«Ҳуснобод» эртаклар тўпламининг инглизча нашри ҳам китобхонлар орасида кенг тарқалди. Шу китобнинг немисча нашри ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Рангли қилиб чиқарилган бу нашрлар турли расм ва безакларга бой.

Бу йил француз китобхонлари уни ўз она тилларида ўқишга муяссар бўладилар. Туркумга кирган нашрлардан талайгинаси чет мамлакатларга юборилади.

Саодат ОДИЛОВА.

Ҳар тўғрида

НЬЮ-ЙОРК. АҚШда 1981 йилнинг июнидан 1990 йилнинг декабригача СПИД касалидан 161.073 киши вафот этди. Бу ҳақда Жоржия штатининг Атланта шаҳрида жойлашган касалликларни назорат қилиш миллий маркази маълум қилди.

Марказнинг маълумотларига қараганда, рўйхатга олинган СПИД касалидан вафот этиш ҳоллари ининг деярли учдан бир қисми 1990 йилга тўғри келади. Мутахассислар келгуси уч йил ичида яна тахминан 215 минг америкалик «ХХ аср касаллиги»ни қурбони бўлади, деб ҳисобламоқдалар.

* * *

ЛОНДОН. Буюк Британиянинг марказий ҳисобот бошқармаси тузилганига 50 йил тўлди. Ушбу ҳукумат ташкилотининг ходимлари бу шонли санани нишонлаш учун ярим аср аввалги маълумотларни ҳозирги маълумотларга қиёслашга қарор қилдилар. Бунинг учун 1938 ва 1989 йилларда ўртача иш ҳақи, нархнаво, шунингдек иглизларнинг ўртача умри тўғрисидаги маълумотлар олинди.

50 йил муқаддам британиялик бир шиша сут ёки батон нонни этиги 1,5 пенсга сотиб олиши мумкин эди. Ҳозир у ана шу маҳсулотлар учун 30 ва 65 пенс тўлайди. Аммо ўртача иш ҳақига нисбатан бу маҳсулотлар қимматлашмади, балки арзонлашди: 1938 йилда малакасиз ишчи ҳафтасига ўртача 3,55 фунт стерлинг олган бўлса, 1989 йилда 230 фунт стерлинг олди.

Шу муносабат билан марказий ҳисобот бошқармаси расмий вакилининг айтишича, «келтирилган маълумотлар инглизларнинг турмуш даражаси сўзсиз ошганлигидан дарак беради». Британия ороларида ўртача умрга келганда эса бу кўрсаткич эркаклар орасида 60 йилдан 72 йилга, аёллар орасида 65 йилдан 75 йилга етди.

* * *

ПЕКИН. Хитойлар февраль ойида аньанавий «баҳор байрами»ни ҳақиқий қишни кўрмай нишонлайдиганга ўхшайдилар. Ҳозирги қиш мавсуми, деб таъкидлайди давлат марказий об-ҳаво станцияси, мисли сиз илиқлиги билан ажралиб турибди.

«Чайна дейли» газетасида эълон қилинган сўнгги ўн йиллик об-ҳаво маълумотлари Хитойда об-ҳаво жуда ғалати ўзгараётганидан далолат бермоқда: мамлакат шимолида иқлим 'илиқлашиб бораётган бўлса, жанубда совуқ кучаймоқда. Масалан, ўтган ўн йил ичида мамлакатнинг шимолий районларида қиш мавсумида термометрнинг симоб устуни бундан олдинги 30 йилги ўртача белгидан 1 — 2,5 даража юқорн кўтарилди. Буюк Хуанхэ дарёсининг жанубрғида эса, аксинча 1950 — 1980 йиллардаги ҳарорат ўртача кўрсаткичига нисбатан анча совуқ ҳаво қайд этилмоқда.

* * *

МОНТЕВИДЕО. Уругвайнинг Бланкильо деган кичик шаҳарчасида яшайдиган Антонна Рохас 112 ёшга тўлди. Уругвайдаги энг кекса аёл 1879 йилда туғилган ва мамлакатда ўтган асрнинг охиридан буён юз берган жуда муҳим тарихий воқеаларни яхши эслайди. Антонна Рохас олти фарзандни катта қилган. Унинг 26 невараси, 66 эвараси, 35 чевараси бор. Кексалигига қарамай, Антонна буви баъзан чўғ устига қўйиб пиширилган бир бўлак гўштни истеъмол қилиш, бир стакан вино ичишдан воз кечгани йўқ.

(СИТА).

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССЖ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОМЕХАНИКА ТЕХНИКУМИ

9-ва 11-синф ўқувчиларини ва ўрта маълумотли шахсларни

ТЕХНИКУМГА КИРИШГА ТАЙЁРЛАЙДИГАН **ПУЛЛИҚ КУРСЛАРГА**

ҚАБУЛ ЭЛОН ҚИЛАДИ

ЎҚИШ КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ ТАЪЛИМ КЎРИНИШИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Манзилимиз: 700041, Тошкент шаҳри, Бабушкин кўчаси, 4-уй (17-троллейбус, 4-автобуснинг «Тошкент-кабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Маданият саройи» бекати; 9, 18-троллейбуслар; 17, 71 83, 96-автобуслар; 6, 13, 22-трамвайларнинг «Академиклар шаҳарчаси» бекати. Телефонлар: 62-56-27, 62-15-71, 62-87-01.

ТОШКЕНТ МЕХМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКУМИ

1991 йилда қуйидаги ихтисослар бўйича ТЕХНИКУМГА КИРУВЧИЛАР УЧУН

5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

САРТАРОШЛИК САНЪАТИ ВА МАНЗАРАЛИ ПАРДОЗ — тўлиқ ўрта мактаб негизида;

МЕҲМОНХОНАЛАР ВА САЙЁРЛИК КОМПЛЕКСЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ — тўлиқ ўрта мактаб негизида.

ТУГАЛЛАНГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ШАХСЛАР, ШУНИНГДЕК КУНДУЗГИ МАКТАБЛАРНИНГ 11-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тайёрлов курсларини битириш имтиҳонлари бир вақтнинг ўзида техникумга кириш имтиҳонлари саналади.

МАШҒУЛОТЛАР — ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Курсларга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумот тўғрисида ҳужжат (асли), мактаб ўқувчилари ўқиш жойларидан маълумотнома топширадилар.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 10.00 дан 17.00гача ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Йўлдош даҳаси, 10-мавзе, 63 «а» уй (19 троллейбус, 66-автобуснинг «Техникум» бекати, 39, 58-автобуснинг «Феруза» дўкони» бекати).

Телефон: 58-71-78.

САНЪАТ ИХЛОСМАНДЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИ

РАҚС САНЪАТИ СОҲАСИ БЎЙИЧА ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИ ЕШЛАРНИ

БЕШ ОЙЛИК

«РАҚС САНЪАТИ АСОСЛАРИ»

ПУЛЛИҚ ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсига қабул қилинганлар ритмика, рақсда нафис ҳаракатлар (пластика) этюд, мусиқавийлик, классик рақс, ўзбек рақси, рақсни саҳналаштирувчи, рақсни саҳналаштиришнинг ёзма баёни, рақс либослари ва рақс мактаблари, шунингдек иншо ёзиш малакасини ошириш машғулотлари бўйича тайёрланадилар.

Беш ойлик курсни тамомлаганларга имтиҳонлар асосида гувоҳнома берилади. Амалий машғулотлар катта саҳналарда концерт фаолияти билан қўшиб олиб борилади.

МАШҒУЛОТЛАР 4 ФЕВРАЛДАН БОШЛАНИБ, ҲАФТАДА УЧ МАРТА СОАТ 16 ДАН 19.00 ГАЧА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Қабул ҳар куни соат 16 дан 19.00 гача.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Авиасозлар шаҳарчаси, Авиасозлар Маданият саройи, 2-қават, 90-хона (транспортлар: 2, 23-трамвайларнинг «Маданият саройи» бекати, 6, 29-трамвайларнинг «Лисунов кўчаси», бекати, 6, 15, 23, 48, 72, 103, 151, 161, 164-автобусларнинг «Авиасозлар бозори» ва «Маданият саройи» бекати). Телефон: 96-55-81.

«УЗВОДРЕМСТРОЙЭКСПЛУАТАЦИЯ» бирлашмасининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛГАН ВА АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА ЎҚИШ УЧУН

қуйидаги ихтисослар бўйича Курсларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЕР ҚАЗИШ МАШИНАЛАРИНИНГ МАШИНИСТЛАРИ (экскаваторчилар, бульдозерчилар, грейдерчилар). **Ўқиш муддати — 4 ой;**

АВТОМЕХАНИКЛАР (камида 10 синф маълумотига эга бўлган шофёрлар орасидан). **Ўқиш муддати 6 ой;**

АВТОМОБИЛЬ, ЗАНЖИРЛИ ПНЕВМОҒИЛДИРАКЛИ, МИНОРАЛИ,

КЎПРИКЛИ КРАНЛАРНИНГ МАШИНИСТЛАРИ; ГАЗ-ЭЛЕКТР-ПАЙВАНДЧИЛАР, БОТИРМА ВА МАРКАЗДАН ҚОЧИРМА НАСОСЛАРНИНГ ТАЪМИРЛОВЧИ ЧИЛАНГАРЛАРИ, НАСОС МОНТАЖЧИЛАРИ;

ҳаво алоқа линиялари, ҳаво электр узатиш линиялари бўйича монтажчилар, саноат қурилиш майдончаларининг электр монтёрлари, авточилангарлар. **Ўқиш муддати — 3 ой;**

КРАН ИШЧИЛАРИ. Ўқиш муддати — 1 ой;

ХУСУСИЙ ЭҲМ СОЗЛОВЧИЛАРИ. Ўқиш муддати — 1,5 ой.

Юк кўтариш машиналари ва механизмларининг соз ҳолатда сақланиши учун, электр қурилмалардан фойдаланиш учун жавобгар шахслар;

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИ НОЗИРЛАР. Ўқиш муддати — 0,5 ой;

«В» тонфасидаги ҳайдовчилар. Ўқиш муддати—3,5 ой.

Машғулотлар 1991 йил учун белгиланган режа асосида бошланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ СИСТЕМАСИДА ИШЛАЙДИГАН ШАХСЛАРГА ҚАБУЛ ПАЙТИДА ЕНГИЛЛИК БЕРИЛАДИ.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Бектемир ноҳияси, Лихачев кўчаси, 5-уй (12, 110-автобусларнинг «Поликлиника» ёки «Ноҳия ижроия комитети» бекати). Телефон 92-38-95.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/II да **Жизель**, 2/II да **Аида**, 3/II да **Гўзал Василиса** (12.00), **Фауст** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/II да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома**, 2/II да **Куёв**, 3/II да **Жар**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 1/II да **Юсуф ва Зулайҳо**, 2/II да **Куёвлар конкурси**, 3/II да **Куёвлар конкурси**, 4/II да **Дардимни айтаман нуласизми?**

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/II да **Паранжи сирлари**, 2/II да **Отасининг қизи**, 3/II да **Зиёфат**

КИНО

31 ЯНВАРДА

Чайка — «ИККИ СЎЗДА ЖАМЛАНГАН ТАРИХ» (17.00, 20.00).

Восток — «РАМ ВА ЛАКХАМ» (18.30, 20.45).

Москва — «109-ТЎХТАМАЙ КЕТАДИ» (тоқ соатларда, 20.40).

Дружба — «ФАРИШТА» (тоқ соатларда).

Лисунов — «ҚАСОС ЎТИ» (17.00, 20.00).

1 ФЕВРАЛДА

Чайка — «ИККИ СЎЗДА ЖАМЛАНГАН ТАРИХ» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Восток — «РАМ ВА ЛАКХАМ» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 20.45).

Москва — «109-ТЎХТАМАЙ КЕТАДИ» (тоқ соатларда, 20.40).

Дружба — «ФАРИШТА» (тоқ соатларда).

Лисунов — «ҚАСОС ЎТИ» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

Тошкент ҳисоблаш техникаси корхонасига **омбор мудирлари, катта омборчилар, қадоқловчи-ўровчи, юкчиларни**

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 43-уй ёки Марказнинг Чилонзор ноҳия бўлими — Чилонзор даҳаси, 2-мавзе, 53-уй.

Ўзбекистон ССЖ «Билим» жамиятининг кўргазмали қуроллар тайёрлаш бўйича

ТАЖРИБА УСТАХОНАСИ

аҳолига

турли хил ҳужжатлардан «КСЕРОКС» аппаратида нусха кўчириш бўйича ўз хизматини

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Хизмат ҳақи — келишилади.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700029, Тошкент шаҳри, Киров кўчаси, 24-уй (бинонинг орқа томонида, ертўлада). 56-51-72 телефони бўйича маълумотлар олиш мумкин.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ «ТАШМЕТРОСТРОЙ» **трестининг** 2-ТОННЕЛЬ ОТРЯДИГА

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Кон ишларини электрлаштириш ва автоматлаштириш» ихтисоси бўйича олий маълумотли участка бош механиги ва механиклари.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Чилонзор даҳаси, 3-мавзе, 28-уй. Телефон 77-12-53; Чилонзор даҳаси, 2-мавзе, 53-уй. Телефон: 77-12-60.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ БУШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

бўлим бошлиқлари: ташкилий-услубий ишлар, мувофиқлаштириш, касб йўналиши бўйича танлаш ва касбга кўникиш, касбига оид маслаҳатлар, шунингдек, бош мутахассислар — физиолог, руҳшунос, ижтимоиётчи.

Танловга аризалар бериш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун.

Манзилимиз: 700011, Тошкент шаҳри, Анҳорбўйи кўчаси, 8-уй.

Телефонлар: 41-22-12, 41-82-48.

Тошкент нон маҳсулотлари савдоси идораси 72-дўконининг йўқолган ШТАМПИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

«Алоқа» саноат ширкатининг йўқолган думалоқ муҳри ва чек дафтарчаси **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент қурилиш техникуми томонидан **Қўшшоқов Ҳусан Умарович** номига берилган «КТ» 867602 номерли йўқолган ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИНИНГ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1/II да — **ХОТИНЛАР «ГАП»ИДАН ЧИҚҚАН ҲАНГОМА** (19.00).

2/II да — **КУЁВ.**

3/II да — **ЖАР.**

5/II да — **КЕЛИНЛАР ҚУЗҒОЛОНИ.**

6/II да — **АҚЛ МЕЗОНИ.**

7/II да **ОЛТИН ДЕВОР.**

8/II да — **САБЪАИ САЙЁР** (15.00).

9/II да — **САБЪАИ САЙЁР** (15.00).

10/II да — **САБЪАИ САЙЁР** (15.00).

12/II да — **ХОТИНЛАР «ГАП»ИДАН ЧИҚҚАН ҲАНГОМА** (19.00).

13/II да — **ОЛТИН ДЕВОР.**

14/II да — **А. ҚОДИРИЙНИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ.**

15/II да — **ПУЧ.**

16/II да — **ХОТИНЛАР «ГАП»ИДАН ЧИҚҚАН ҲАНГОМА.**

17/II да — **КУРОРТ.**

19/II да — **НАЖОТ ИСТАБ.**

20/II да — **ЖАР.**

21/II да — **ТЎМАРИС.**

22/II да — **ХОТИНЛАР «ГАП»ИДАН ЧИҚҚАН ҲАНГОМА.**

26/II да — **АЛИШЕР НАВОИЙ** (премьера).

27/II да — **НАЖОТ ИСТАБ.**

28/II да — **АЛИШЕР НАВОИЙ** (премьера), (19.00).

Спектакллар соат 19.00 дан бошланади.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

14, 15 ФЕВРАЛЬ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССЖДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

НАСИБА АБДУЛЛАЕВА

ва

«САМАРҚАНД» АНСАМБЛИНИНГ

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари—Баҳром АБДУЛЛАЕВ.

Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

20, 21 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.30да,
22, 23 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16.00 ва 19.30да

БУТУНИТТИФОҚ ЭСТРАДА ҚУШИҚЛАРИ КОНКУРСИ ЛАУРЕАТИ

ЮЛДУЗ УСМОНОВА КУЙЛАЙДИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

«ЮЛДУЗ» ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ, ҚИЗИҚЧИ ВА РАҚҚОСАЛАР ИШТИРОК ЭТАДИ.

Касса соат 11.00 дан 19.00 гача ишлайди.

Жамоа талабномалар қабул қилинади. Телефон 45-85-68.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Хадра майдони)

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
7 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ФАҚАТ 10 КУН
«СУАР» ХИТОЙ ЦИРКИНИНГ НОЁБ ТОМОШАЛАРИ

Томошалар соат 19.00 да; шанба кунлари соат 15.00 ва 18.00 да; якшанба кунлари соат 12.00, 15.00, 18.00 да бошланади.

ОММАВИЙ ТАЛАБНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

44-35-91 телефони бўйича маълумотлар олиш мумкин.

«Юбилей» марказий спорт саройида

Табиатда қувват-ахборот алмашуви муаммолари бўйича жумҳурият ассоциациясининг

«ХИСЛАТ» маркази

5—10 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ

руҳшунос шифокор

НЕЪМАТЖОН МАМАТОВ

СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Сеанслар соат 14.00 ва 18.00 да бошланади.

Чипталар «Юбилей» марказий спорт саройи кассаларида ҳар куни соат 10.00 дан 19.00 гача ва ваколатли кассирлар томонидан сотилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-70-31.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Муассислар: халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар қўмитаси

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; ҳатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Шанба ва яншанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

84.397 нусхада чоп этилади. Индекс 64690.
Буюртма: 4728. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.